



Азизлар, адолатли, меҳр-оқибатли бўйайлик!

# ИШОНЧ

25

1993  
йил  
19—25  
июнь  
(118)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

## Хабарлар мағзи

ж.  
саба



**МАМЛАҚАТИМIZ**  
Президенти Ислом Каримов  
Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида бўлди. У вилоятларда иқтисодий ислоҳотларниң бориши, амалга оширилиши лозим бўлган мухим масалалар хусусида меҳнаткашлар ва ташкилотларнинг раҳбарлари билан сұхбатлашиди.

**ЎЗБЕКИСТОН** Республикасида олий таълим сифатини яхшилаш түғрисида Ўзбекистон Вазирлар Махкамаси қарор кабул қилди.

**ЎЗБЕКИСТОН** Республикасида олий таълим сифатини яхшилаш түғрисида Ўзбекистон Вазирлар Махкамаси қарор кабул қилди.

## БОЛАЛАР ЁЗИ СОЗ ЎТСИН

МАКТАБЛАРДА ўкув ийтихомишига етиб, болалар ёзи бошланётган шу кунларда мавсумнинг муваффакиятли ўтишига эришиш халқ таълими тармоқларидан тортиб барча бошқарув ва жамоат ташкилотларнинг мухим вазифасидир. Бу борада Наманган вилоятида ҳар йил гигаги қараганда ҳам катта ишлар килинди. Максад соғломлаштириш маскандарининг ҳамма ерда ҳам бир текис ҳамда бенуқсон фаoliyat кўрсатишига эришишидир. Янгиқўрон туманининг оромбахш жойларидан бирин бўлган «Янги турмуш» қишлоғидаги «Лола» болалар хордик маскандарда ташкил этилган семинар-кенгаш худди ана шу масалага бағишланди. Уни вилоят касаба уюшмалари кенгашининг раиси Хабибула Абдураҳимов қисқача кириш сўзи билан очди. Вилоят касаба уюшмалари кенгашининг раиси ўринбосари АбдуланобҒаниев болалар ёзини кўнгилли ўтказиш, бу борада килинган ишлар, олдинда турган вазифалар юзасидан атрофлича маъруза килди.

Семинар кенгаш ишида вилоят ва туман халқ таълими тармоқларининг, савдо, манший хизмат кўрсатиш, соғлиқни саклаш шаҳобчаларининг раҳбарлари, туман ҳокимларининг ўринбосарлари, касаба уюшмалари ва ёшлар кўмиталарининг раислари, ўкувчилар ёзини ўтказиш бўйича масъул ходимлар иштирок этдилар. Шундан кейнинг 2 кун давомида бу ерда ўкувчиларни ёзди соғломлаштириш манзилгоҳлари бошликларининг ўкиши ўтказилди.

«ИШОНЧ» мухбири.



**КУРБОНБИБИ** ҳақида гап кетганда ўз ишининг устаси, ўз касбининг ҳақиқий ҳоқони, деб таърифлайдилар. Дарҳақиқат, ўз мөхнатининг натижасидан қониқмаса, яшашибдан ҳаф кўрмаетгандай ҳис қиласди. Мөхнат маҳсул кўнгилдагидай натижажа берса — астойдил завқ, шавқ билан яшашибга, қисқаси тупроқдан тог, оддий япроқдан бօг яратиб, лаззат топширга ўрганеан. Шу боис ўнимагаки қўй урмасин, самараси тиллога тенг. Қурт тутининг ҳавосини олсан, астойдил ихолос билан шу вазифани дўйноира билганлиги учун ҳам довруги ўз тенгқўрлари аро достон ҳам. Унинг ҳар йили пилладан юқори ҳосил олиб, ҳаммадан олдин аъло сифатли маҳсулот топшириши, бу ишининг барча тартиб-қосадарлари асосида пухта ташкил қила билиши, ўзининг илгор тажрибасига муттасил амал қилишишадир. Қуртниң ургудан етилиб, униб чиқишидан бошлаб у бари билан ошно тутинади. Беҳаловат сўқиқак айланади, мөъёри билан, белгиланган муддатда барғсолади, ҳар қайси билан алоҳида сұхбат курди гўё. Қуртлар ҳам унинг меҳридан баҳра оладилар, бир нафас кўршиласа, бошларини кўтариб, ҳавотирона висолига интизор кутадилар. Барг қучоглаб кўк узра қўйқисдан қалқиб чиқкан ой янглиқ пайдо бўлши билан хотиржам тортиб, дарров ошиқ-мошиқлар

бир-бирларига роз айтиётгандай шивир-шивирга тушадилар. Курбонбивининг мөхнатига лойиқ шоҳи ишаклардан майдо болишичалар янглиқ пилла ўрайдилар. Мовиш само огушида сўзган оппоқ бўлут сингари уюм-уюм пиллаларнинг кўмуш жилвасидан кўзингиз қамашади. Курбонбивининг ўзи эса ана шу кумуш ёғду ичра қоришиб кетгандай сезади ўзини. У бу йил ҳам ҳар қути ҳисобига юз килограммдан қўмматбаҳо хомаше олди. Албатта Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани, «Заркент» жамоа ҳўжасалигида Курбонбиви Тиллабоева сингари уста пиллачи аёллар кам эмас. Муяссархон Зиёева, Ўқтамхон Фозиловалар ҳам ҳар қути ургудан етмиши килограммдан ошириб, ҳосил топшириши билан йиллик режаларини белгиланган муддатда адо этдилар. Барийдир Курбонбивининг куч-гайрати, қурт тутини санъати олдида улар лол, доим ҳавас қиласидар унга, уни ўз устозларидай санааб, тажрибасидан ўрнаш олишади.

Суратда: Курбонбиви Тиллабоева бу йилги мөхнати туфайли ўришган муваффакиятидан накадар мамнун ва баҳтиёrlигини рўй-рост кўриб турибенз.

Сураткаш (ЎзА) Ш. АЛИМОВ.

## Лўнда фикрлар бурчаги

### «ИШОНЧ» ИШОНЧИНГИЗНИ ОҚЛАШ УЧУН НИМА КИЛСИН?

АЗИЗЛАР. Сизнинг юракдан айтган ҳар бир таклиф ва маслаҳатларининг бизга мадад, далда беради, бизни кўнли, мантиқан зўр қиласди.

Аччиқ бўлса ҳам бор гапни айтшидан, қалбингизга маъқул бўлган барча фикрларни бизга билдиришидан, савобли, ҳалқимизга мақбул бўлган яхши шиларимизни санааб ўтишдан ўзинеизни тортманг.

Андеша қилиб, дилдаги гапни яшириб юрманг. Сизга маъқул бўлган ҳамда сизга манзур бўлмаган барча мақолаларни санааб ўтсангиз ҳам жамоатчи, ҳам ўз мухбирларимизга кагта ёрдам қиласан бўлашиз, 1993 йилнинг ҳам ярми ўтазити. Демак нималарниидир айтиш учун манбадор. Ва яна бизнинг ҳам илтимосимизни ерда қолдирмай қўйидаги саволдарга жавоб берив, бизни хўрсанд қиласиз, деган умиддамиш:

1. Газетамизга 1993 йилинг иккинчи ярми учун обуна бўлдингизми?

Нега?

2. Газетамизнинг қайси саҳифаларини, яъни руқилярни — масалан, «Биздан сўрабисиз», «Адолат тарозиси», «Касаба уюшмаси ҳаёти» ва хоказо колган ярим йилда ҳам саклаб, кайсиларидан воз кечишимизни маъқул деб биласиз?

3. Қандай мавзуларга кўпроқ эътибор беришимизни истайсиз?

4. Замонамизнинг қайси бир кишиси билан сұхбат уюштиришимизни, қайси кишилар ҳақида ёзишимизни хоҳлайсиз?

5. Ўтган замонлардаги, тарихдан ўрин олган қайси воқеа ёки инсонлар ҳақида материаллар берайлик?

6. «Ишонч» қаҳрамони қилиб ким ёки қайси номни олсан ва у қандай кўринишда бўлишини истайсиз? Масалан, «Гулхан»да Гулханжон, «Правда Востока»да Насретдин, «Муштум»да Муштум тога ва хоказо.

7. Газета сарлавҳалари, безатилиши, маколаларнинг жойлаштирилиши, фотосуратлар ва чизилган расмларнинг сифати, стилистик ҳамда грамматик хатоларимиз борасида қандай фикрдасиз?

8. Қайси мавзулардаги маколаларни ҳар сонда бериб боришимизни маъқул кўрасиз? Сиз яшайдан манзилда республикамизга тарғиб қиласидан қандай ибратли ишлар бор? Ибрат бўладиган кишиларчи?

9. Бизнинг ёдимиздан кўтарилиган яна қандай саволлар бор ва сиз уларга қандай жавоб қиласидангиз?

10. Сиз газетхонлар билан дўстлашиш учун қандай муайян ишлар, учрашувлар, радио, телевидениеда чиқишилар ва яна нималар килишимизни маслаҳат берасиз?

Азиз дўстлар, шу саволларга аниқ жавоб ёзиб юборасиз, деган ниятдамиш, фикр ва таклифларининг газетамиз саҳифаларида «Лўнда фикрлар бурчаги» руқни остида, босилмаганлари эса тузатётган режаларимизда албатта инобатга олинади.

Сизга бу оғир, лекин ўткинчи кунларда бардош ва соглиқ тилаб, дўстлашишга қўй чўзувчи:

«ИШОНЧ» ГАЗЕТАСИ.



— Озода Йўлдошевна, аввалом бор сизни ва Сиз орқали барча тибиёт ходимларини муборак байрам билан табриклимиз. Шу билан бирга улар бу йилги улуг айёми кандай кутуб олаётганиллари ҳақида гапириб беришингизни истардик.

— Мустакил давлатимизнинг тибиёт ходимлари бу кунни ниҳоятда баланд рух билан кутуб олмоқдалар. Инсоннинг меҳнати жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва ишга кобилияти сакланишини таъминлашга қаратилган ижтимоний-иктиносид, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва давлат профилактика тадбирларини амалга ошириш тибиёт ходимларининг биринчи газифасидир. Ахир мустакил давлатни мустаҳкамлашда инсоннинг бирдамлиги энг муҳим рол ўйнаши хаммага маълум-ку. Халқимизда соғлом танда соғ акл, деган ажойиб накл бор. Бу бежиз айтилмаган. Бирон дардга чалинган ёки ички-ташқи аъзоларидан бирон жойида носоғлик сезган одам бирон юмушнинг улдасидан чиқа олмай қолиши мукаррар. Ундайларнинг юрагига хатто бирорнинг ортиқча гапи ҳам сиғмай колади. Аксинча, руҳан тетик, жисмоний бақувват бўлсанг — сендан шавқ-завқли одам йўк, омадинг ҳам юришади, ишингда ҳам ривож. Кишиларимизнинг ана шундай вазиятини сактани, беҳосдан бирон дардга чалинишиниғ отдини олиш, ҳар хил юқимли касалтиклардан даволаш учун жон куйин-раётган ҳақиқий заҳматкашлар бе-саноқ бугун. Лекин...

— Лекин?

— Ана шундай бор кобилияти, юрак-қўрини баҳшида этиб, киши саломатлиги йўлида кечани кеча, кундузни кундуз демай посбонлик қилаётган ҳақиқий меҳр-шафқат эгаларининг ғамини ейиш ҳар кимнинг ҳам эсига келавермайди.

Бизни даволаяптими, демак, унинг ўзи бедард, беташвиш гўё. Йўк, улар ҳам биз сингари яратганинг oddий бандасидир. Ехуд, улар ҳам сизу биздай фаровон турмуш кечиришга мойил, орзу-ҳавасли, эзгу нияти, ҳудди сизу биздай ижтимоний химояга муҳтож кишилар. Аммо сизга ички таъсирини ўтказмаслиги, ҳадеганда ҳасрат-надоматларга берилавермас-

лиги, аҳволотидан нолишни эса ўзига ор билишлигидан далолатdir. Чуники айни пайтда унинг яккаю-ягона максади сизни даволаш. Бу ҳам ҳақиқий шифокорлар учун ўзига хос фазилатdir. Яқин-яқинларгача ҳам улар шахсий турмушлари учун зарур нарсаларнинг камидан нолимай, оладиган маошлари бошқа ихтинос эгалариникидан оз бўлса ҳам борига шукур килиб, бурчларини ҳалол-пок адо этсанларининг гувоҳимиз.

Президентнинг фармонига биноан босқичма-босқич маошлари бирмунча ошди. Туар-жойларини бепул хусусийлаштиришга эришилди. Бунинг учун ҳар бир шифокор қатори биз касаба уюшмаси ходимлари ҳам хукуматимиз раҳбарларининг ана шу фамхўрлигидан чексиз миннатормиз. Бирок, бу масала ҳамма ерда ҳам

лари уларнинг моддий жихатдан муҳофаза килинишига жадал киришганмиз. Ижтимоий химоялаш, кундаклик талабларини кондириш бўйича саъй-харакатларимиз зоҳ кетгани йўк. Лекин юқимли касалликларни даволчилар, шахсий ҳаётларига озмикўпми зарар топадиган хизмат билан шугулланувчи оқ ҳалатлиларнинг маошлари ҳали ҳам кўнгилдагидай эмаслигидан кўз юмиб бўлмайди. Масалан, 1986 йиллари сил касали, сарик, нур билан ишлаш мутахассисларига кўшимча равища 15 фойздан 30 фойзгача ҳак тўланган бўлса, ҳозирга келиб нарх-наволар кўтарилиб, ҳамманинг иш ҳаки оширилганига қарамай юкоридаги қасаба эгаларининг кўшимча ҳаклари шу йилнинг июнгача 205 сўмданни ташкил килди, холос. Шунинг учун ҳозирги шароитни

муддат ичида таклифлар тақдим килиш вазифаси топширилган.

— Озода Йўлдошевна, сиз бошлиқ республика тибиёт ходимлари касаба уюшмалари марказий қўмитаси олиб бораётган фамхўрликлардан барча шифокор аҳли чексиз миннатдор бўлиши мумкин. Лекин аҳолининг вақтида даво топиши учун бугунги шартшароитлар мақтагудай эмас-ку? Бу борадаги муаммоларни ҳал этиш учун қандай чора-тадбирлар режаланмоқда?

— Тўғри савол. Бундай муаммоларни ҳал этиш факат бизгагина боғлиқ эмас. Шунинг учун бу тўғрида кўп ўйлаб, касаба уюшма ходимларни каттиқ изтироб чекаётгандарини ролмаймиз. Буни иккига оғиз сўз билан айтиб бериш ҳам кийин. Ахолига юқори савияда хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган касалхоналарнинг аксарияти тўла миқёсда шарт-шароитларга эга эмас. Кўй бинолар жиддий таъмирга муҳтож. Янги, замонавий ускуналар етишмайди. Касалхоналар, стационарларнинг янгиларини куриш жуда-жуда зарур. Борларини саклаб колиши, уларни дори-дармонлар билан етарли таъминлаш, кичик тибиёт ходимларининг мўмайрок пул чиқадиган жойларга кетиб колишини олдини олиш, беморларни янги ва сўнгги фан ютуклари асосида даволашни йўлга кўйишдай вазифалар бизнинг зиммамизда. Бунинг учун давлатдан маълум миқдорда кўшимча маблағ олиш ниятидамиз. Бу талабларимиз, худо хохласа, амалга ошади. Бунга ишончимиз комил.

— Эртанги байрам муносабати билан тибиёт ходимларига айтадиг, гапнинг борми?

— Мен барча ҳамкасларим, мустакил давлатимизни мустаҳкамлаш йўлида жон фидо қилаётган халқимиз энг катта бойлигимиз бўлган инсон саломатлигини асраб-авайлаш учун бор билими, ҳаётий тажрибасини аямай сарфлаб, ҳалол тер тўқаётгандарни муборак улуг айём билан калбан табриклиман, уларга яхши кайфият, умрбокийлик тилайман. Ҳар куннимиз ана шу байрамдай ўтсин, дейман!

— Биз ҳам сизнинг эзгу ниятиларингизга тилакдошмиз, раҳмат!

Суҳбатдош:  
Жонрид Абдуллахонов.

## ТИБИЁТ ХОДИМЛАРИ БАЙРАМИ



бидек рўёбга чикмаётгандаридан бир оз ранжимиз, холос. Яна бир масала: бу ҳам бўлса коммунал-хўжалик хизмати учун ҳак тўлаш; коммунал хўжалик хизмати учун ҳак тўлаш ўқитувчиларга 50 фойз миқдорни ташкил килган айни пайтда шифокорлар халигача бундай муборак эхсонга эришганича йўк.

— Бунга эришиш учун нима қилмок керак?

— Бунга эришиш учун барча шифокорлар ҳақиқий химояга эришиларни керак. Биз касаба уюшмаси ходим-

Эртага сиҳат-саломатлик посбонларига тибиёт ходимларининг байрами. Бу кунни ишионлаш 1965 йилдан одат тусига кирган бўлиб, йигирма етти йилдан бери шодиёна кутуб олинади. Шу муносабат билан маҳсус мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси тибиёт ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси О. Й. Абдуллаевага бир неча савол берди.

назарга олиб, кўшимча ҳак миқдорини ўртача маош хисобида 15 фойздан 25 фойзгача ошириш масаласини кўтариб, юқори ташкилотларга ёзма мурожаат қўлмоқдамиз.

— Кишлоп жойларда ишловчиларнинг маошлари қандай бўлади?

— Кишлоп жойлардаги шифокорларнинг маошларини 20 фойзга, ярим ўзлаштирилган худудларда хизмат килувчиларнинг маошларини 25 фойзданга ошириш мўлжалимиз бор. Бу борада республика меҳнат вазирлари ва республика вазирлар махкамасининг 1991 йил 3 августда қабул килинган № 205 қарори бўйича бизга 2 ой

## НУРБУЛОҚДА ШУНДАЙ МАСКАН БОР

САМАРҚАНД вилоятининг Нурабод районидаги Нурбулук атамлиши бир кишлоп бор. Дашути дала чўчлу биёвонлар ўртасида жойлашган бу кишлопнинг таърифи якин орада етти икlimга машҳур бўлса ажабмас. Аслида ҳар бир жой ўзининг тарихи, элга танилган алломалари билан одамлар қалбидан из қолдинади. Нурабулукнинг эса дилларга малҳам берувчи бебаҳо бойлиги бор. Бу ҳам бўлса унинг заминидан чиқаётган турли ҳасталикларга даво бўлган шифобахш сувлариди.

Бир қарашда ажабланасан. Наҳотки чўллар оралигидаги ҳатто ичимлик сув етишмайдиган бир жойда хаста қалбларга хузур бахш этувчи оби-ҳаёт бўлса. Ҳаётда турли мўъжизалар бўлиши бўзсан ишонмайсан. Аммо Нурабулукда ана шундай мўъжизанинг борлиги ҳақиқат. Бўлмаса бу ерда бутун бир республика миқёсидаги шифогоҳ курилариди.

Якининада ҳам Нагорний деб аталган ушбу кишлопда сув билан даволаш шифогоҳонаси мавжуд эди. Эди эса унинг сони яна биттага кўпайди. Иккинчи шифогоҳининг

ишга туширилганига атиги бир йил бўлди. Лекин ана шу киска вакт шифогоҳнинг номини нафакат республика мизга балки кўшини мамлакатларга ҳам танидти.

Буюк ўзбек алломаси Абу Али иби Сино номи билан аталаётган янги шифогоҳ кишлопда аввалдан фаолият кўрсатаётган шифо масканидан тубдан фарқ килади. Унинг энг аҳамиятли томони шундаки жуда кўп ҳасталикларга шамидан сув орқали даво топилади. Бу ерда иккиси хил: умумий ва радио суви бор. Бундай шифобахш оби-ҳаётнинг собиқ иттифоқ ҳудудида бор йўғи тўрт жойда мавжудлигининг ўзиёк мазкур шифогоҳнинг накадар кимматга эга эканлигидан далолат беради. Ҳатто машҳур Ҳалтуба минералидан ҳам бу ердаги радиони сувнинг инсон организмига фойдалилиги жиҳати 3—4 барабарга ортиқ экан. Шифогоҳда биргина бўйрак касаллигидан бошқа барча ҳасталикларга даво топилади, мутахассислар.

Нурбулук шифогоҳини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши киска вактда бунёд этганлиги кўпчиликка маъқул туш-

ди. Замонавий типда курилган бино хоналарида дардманлар учун барча шароитлар мухайё этилган. Бу ерга ташриф буюрган беморлар нафакат даволанишайти. Балки улар кўнгилдан хордик чиқаришайти. Оиласлари, меҳнат жамоалари кучоғига соғликларини тиклаган ҳолда бардам бўлиб кайтишайти.

Шифогоҳда бўлган киши бу ердаги тақлиф ва мулҳозаларда шифохонанини шифогоҳнинг имкониятни кутуб олинади. Бу ерга ташриф буюрган беморлар нафакат даволанишайти. Балки улар кўнгилдан хордик чиқаришайти. Оиласлари, меҳнат жамоалари кучоғига соғликларини тиклаган ҳолда бардам бўлиб кайтишайти.

Хозир шифохонамизда бир йўла 200—250 нафар дардман даво топишга имконият бор, — дейди шифогоҳона бош ҳакими. Ў. Рустамова, А. Шарипов, Ў. Курбонов каби қадимий шахарларга маҳсус автобусларда саёҳатга боришиади. Келажакда шифогоҳни яна кенгайтириш режалаштириляпти. Унинг биринчи босқичи тўлиқ ишга тушгач бир йўла минг киши даволаниш имконияти яратилади.

Айни пайтда шифогоҳда малакали тибиёт ходимлари меҳнат килишайти. М. Рустамова, А. Шарипов, Ў. Курбонов каби малакали шифокорлар, Д. Бобоёрова, Н. Болиева сингари ҳамширалар дардманлар дардига малҳам бўлишайти. Бу тибиёт ходимлари ҳасталарни нафакат сув билан, балки ширин сўзлари билан ҳам даволанишайти.

Ҳар ҳандай шифо маскани обод ва кўркам бўлгани ҳолда ҳасталар калбига янада кувонч багишлади. Шу маънода шифогоҳда ҳам бир мунча тадбирлар белгиланайти. Шу йилнинг эрта кўкламишининг ўзида 8 мингдан ортиқ мевали ва маназарали дарахтниҳоллари, кўплаб гул кўчкатлари ўтқазилди. Ободонлашибириш ишлари бутун йил мобайнида давом этади. Шифогоҳ ҳовлисида мииллий чойхона курилиши мўлжалла-

наяпти. Шунингдек 70 гектардан иборат майдон миллий анъаналарга хос равишда чиройли накшин девор билан ўралиши кўзда тутилган.

Бундай ишларнинг амалга ошишида райондаги «Катта-кўрғон» давлат хўжалиги якиндан ёрдам бераяти. Якинда хўжалик шифогоҳ учун 40 гектар суғориладиган ер ажратиб берди. Бўй майдонларда шифогоҳ жамоаси дехкончилик килиб, ўзини ўзи полиз ва сабзавот маҳсулотларни билан таъминлай бошлади.

Республика касаба уюшмалари федерацияси кенгаши эса шифогоҳни моддий жиҳатдан кўллаб кувватлаш масадиди унинг ҳисобига 26 миллион сўм маблағ ўтказди.

Кўриниб турибдики, сув билан даволовчи Нурбулук шифохонасиининг келажаги ойдин. Бу ерда бундан бўён канчадан-канча дардманлар дардларига даво топишади. Ушбу шифогоҳни барпо этганларга, унда ҳаёт саломатлигига йўлнади мекнат килаётганларга миннатдорчилик туйгуларини билдиришади.

Шифогоҳ тарифи республикамиз, қолаверса кўплаб кўшини давлатлар оша довру таратаверади.

Усар АБДУРАХИМОВ,  
«Ишонч» мухбари.

## ҲАМКОРЛИКНИ

## КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

ТОШКЕНТДА давлатлар аро агросаноат бирлашмалари касаба уюшмалари Маслаҳат Кенгашининг мажлиси бўлди. Уни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг биринчи мувовини, республика агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг раиси Т. Ҳ. Собитов кириш нутқи билан очиб, анжуман қатнашчиларини Ўзбекистон касаба уюшмалари олиб бораётган амалий ишлар билан таништириди.

—Хозирги бозор иқтисодиёти шароитида республикамиз Президенти Ислом Каримов олиб бораётган тинчликсеварлик ва оқилона иқтисодий сиёsat элизимизда барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилаяпти,— деди нотиқ,— тинч ва осуда ҳаёт меҳнаткашларга меҳнатда завқ-шавқ бағишдаяпти. Бу ерда ҳар бир инсон Ўзбекистоннинг келажаги буюк давлат бўлишини ҳар соҳада ҳис этаяпти: Бизда касаба уюшмалари катта куч. Унинг фаолияти ўтган йили қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг маҳсус 59-моддасида кафолатланган.

Чиндан ҳам касаба уюшмалари эллининг ғами билан яшайди. Ўтган йили Ўзбекистон Олий кенгаши томонидан қабул қилинган «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги ҳамда яқинда тасдиқланган «Меҳнатни муҳофаза қилиш ҳақида»ги қонунлар асосан касаба уюшмалари ташаббуси билан дунёга келди ва ҳозирда

амал қилмоқда. Энди қабул қилиниши кутилаётган «Таътил ҳақида»ги, «Ижтимоий шерикчилик ва жамоа шартномаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини тайёрлашда ҳам касаба уюшмаларининг ўз ҳиссаси бор. Умумхалқ ғамхўрлигига йўргилган дастурларнинг матнида касаба уюшмалари фаолиятига кенг ўрин берилган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари сафида агросаноат тармоғи ходимлари салмоқли ўрин тутади. Унинг уч милион иккак юз минг аъзоси бўлиб, улар етти минг уч юз бошлангич ташкилотларга бирлашгандир. Ҳозирги мурракаб иқтисодий шароитда қишлоқ ҳўжалиги, сув ҳўжалиги, деҳқончилик саноати ҳамда тармоққа қарашли бошқа соҳалар ходимларини ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш бизнинг бу визифамиздир.

Марказий қўмитамиз ижтимоий ва иқтисодий масалалар бўйича бу йил вазирlikлар, бирлашмалар ва уюшмалар билан 11 та битим имзолади. Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалик академияси ҳам Марказий қўмита таркибида кириши билан сафимиз янада кенгайди. Бизнинг тавсиямиз билан республика шаҳар ва туманларида мувофиқлаштирувчи кенгашлар тузилмоқда. Бу кенгашлар касаба уюшмаси аъзоларини ҳимоя қилишда ҳокимиётлар билан изчил иш олиб боришаётган. Ҳозиргача бундай кенгашлардан 51 таси ташкил топди.

Тармоқда меҳнаткашларнинг иш ҳақини ошириш, дам олишини таъминлаш, сиҳатсаломатлигини мустаҳкам-



лаш масаласи ҳам оқилона ҳал этилаяпти. Ҳозирда учта санаторий, 67 та санаторий-профилакторий ишляяпти. Уларда бу йил 100 мингдан ортиқ меҳнаткашнинг дам олиши кўзда тутилган. Тармоқ меҳнаткашлари болаларидан 250 мингдан ортиғи бу йилги мавсумда оромгоҳларда, сиҳатгоҳларда дам олишиади.

— Президентимиз ва ҳукуматимизнинг тармоққа жуда катта эътибор билан қараётганлиги ҳамма жойда кўзга яққол ташланмоқда — деди нотиқ сўзининг охирида,— Маслаҳат Кенгаши мажлисини Ўзбекистонда чақирилиши касаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштиришда бизга зарур маслаҳатлар бершига ишонамиз.

Мажлис иштирокчиларини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Б. А. Алламуродов, Ўзбекистон фахрийлари ташкилотлари уюшмаси кенгаши раиси Б. Раҳимов табриклидилар. Улар йиғилгандарни касаба уюшмалари ва фахрийлар тўғрисида кўрсатиллаётган ғамхўрликлар, улар учун қилинаётган талай эзгу

ишлар билан таништиридилар. Маслаҳат Кенгаши раиси, Қозогистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси К. Б. Базильжоновнинг ҳисоботи тингланди. У давлатлараро агросаноат бирлашмалари касаба уюшмалари Маслаҳат Кенгашига ўзи раислик қилган кейинги саккиз ой мобайнида кенгашга аъзо бўлган мамлакатлар касаба уюшмалари фаолиятини изчил таҳлил этишини тақлиф этди.

Россия Федерацияси касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси А. С. Давидов, Санкт-Петербург вилояти касаба уюшмаси қўмитаси раиси И. И. Бритов, Украина тармоқ касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси К. Н. Нагорний, Белоруссия, Молдавия, Озарбайжон, Токикистон, Қирғизистон тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмиталарининг раислари С. А. Иванов, Т. Г. Олару, З. Ж. Оруджев, В. И. Абдулсамадова, Т. М. Мулкубатовлар ўз республикаларидаги ҳозирги аҳвол ҳамда касаба уюшмалари ишлари ҳақида аҳборот бердилар. Меҳнаткашларни ижтимоий

ҳимоялашда тўпланган илфор тажрибаларни ўртоқлашидилар. Делегацияларнинг раҳбарлари ўз нутқларида Ўзбекистонда касаба уюшмаси иши намуналий йўлга қўйилганлигидан мамнунлик изҳор этдилар. Буларнинг ҳаммаси бу элда мустаҳкам барқарорлик ҳукм сураётгани самараси эканлигини тан олдилар.

Мажлисда бундан бўён ўзаро ҳамкорлики янада ривожлантириш режалари белгилаб олинди. Кейинги муддатга Маслаҳат Кенгаши раиси этиб Украина вакили К. Н. Нагорний сайланди. Навбатдаги мажлисли шу йил сентябрь-октябрь ойларида Кишинев шаҳрида ўтказишига келишиди.

Мажлис иштирокчилари Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятига сафар қилдилар. Меҳнаткашларнинг вакиллари, касаба уюшмалари билан учрашиб сұхбатлашидилар.

Кеча уларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов қабул қилди.

**Тожибай АЛИМОВ,**  
«Ишонч» мухбири.  
Суратда: учрашув пайти.  
**Н. Мұхаммаджонов** олган сурат.

## ЁШЛАР КЕЛАЖАГИМИЗ

МУСТАҚИЛ, истиқлол ривожланиш ўйлига кирган Ўзбекистон давлати учун ҳозирги шароитда ёшларни ҳалқимизнинг миллӣ анъаналари, урф-одатлари, Ватанга муҳаббат, садоқат ва фидойилик руҳида тарбиялашни қайта тиклаш ўта долзарб масала ҳисобланади.

Эндиликда Ватан ҳар қачонгидагига қараганда ҳам ғоят аниқ тушунча, маълум қиёфада мужассамлашган. Давлатнинг куч-қудрати, табиий бойликлар ва имкониятлар буюк истиқболидан далолат беради. Эндиликда ҳар биримиз шу Ватаннинг фарзандларимиз, унинг таркибий зарралари эканлигимизни чуқур ҳис қиласми. Бу ажойиб фарҳ-иiftихор туйғуси ҳар биримизга умид баҳш этади.

Ҳалқимиз мустақилликка эришгандан кейин жамият ҳаётида Ўзбекистон келажаги буюк давлат бўлишига қатъий ишонч пайдо бўлди. Шунинг учун ҳам биз ўз қадр-қимматимизни теранроқанглайти, давлатимиз ўзининг мукаммал тизими билан урф-одатларимиз ва ўзимизга хос жиҳатларни ўтиборма олиб, ўз бойлигига, ҳалқимизни истеъодидига таянишига имонимиз комил бўлаяпти.

Ҳалқимизнинг миллӣ, маънавий қадриятлари қайта тикланиши республикада истиқомат қилаётган бошқа ҳалқлар билан мустаҳкам ҳамкорлик асосида юз берабётir. Ўзбек ҳалқи

учун дўстлик, бағри кенглиг ва меҳмоннавозлик ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам хос бўлган фазилатdir. «Худога минг қатла шукурки,— деганди Ислом Каримов,— ўзбекларнинг бошқа ҳалқларга муносабати ижобийдир. Юртимизда яшаётган бошқа ҳалқ вакилларига одилона кураш, уларга меҳрибонлик қилиш биз учун маънавий бурҷга айланган». Истиқлолга эришган, мустақил бўлган ҳалқ ўзгартарга зуғум қилмайди, уларни камситишига ва таҳқирилашга йўл қўйиши мумкин эмас.

Ёшларни ўтмиш тарих руҳида тарбиялаш шунга чуқур ишонч ҳосил қиласми, на тарихий ёлғон-яшикни аралаштириш, на даҳшатли урушлар, на табиий оғатлар ва очилклар ўзбек ҳалқининг инсонийлик саҳоватини бука олмаган. Ҳозир эса ўзбек оиласида саҳиълик, фарзандларга меҳр-муҳаббат, ёши улуғ қишиларга иззат-хўрмат, яқинларига меҳрибончилик ва ўзгаларнинг қайғусига ҳамдардлик ҳукмрон.

Ёшларни Шарқнинг очиқ кўнгиллий, меҳмоннавозлик, дўстпарварлик сингари маданий дунёсининг энг яхши анъаналарида тарбиялашни изчил давом этириш мақсадга мувофиқдир. Уруш курбонлари, ўз ватанидан жудо бўлганлар, ётим-есирлар ҳамма вақт ўзбек оиласидан паноҳ ва

ғамхўрлик топганлар, топаверадилар. Ўзбек ҳалқининг миллӣ руҳига яхшилини унумаслик чуқур сингиб кетган. У 1966 йилда Тошкент шаҳрида кучли зилзила туфайли бошига оғир кулфат тушганда кўмакка келган қардош ҳалқларнинг беминнат ёрдамини ҳеч қачон ёдидан чиқармайди.

Ёшларимиз ўзбек ҳалқининг юксак миллӣ қадр-қиммати, шон-шарафи ва шон-шуҳрати унинг саҳоватига ҳамма шарафига асосланган эканлигини англаб этишлари зарур. Эндиликда Наврӯз ҳалқ байрами, диний маросимлар ва маданият тикланиб, уларда ҳайрия, ҳалқлар ўртасида саҳоват,


иззат-хўрмат, дўстлик намоён бўлаяпти. Ўғил бола туғилгандага унга ўй қуришда зарур бўладиган бинокорлик материали сифатида фойдаланиши ўзбек ҳалқларни озода қилиб терақ, мевали даражат, гул ниҳоллари ўтқазиш, ҳовли ва эшик олдини озода тутиш сингари азалий анъаналар қайта тикланаётir. Бирор бир жиддий юмушга киришишга қарор беришдан аввал яқинлар ҳамда турмуш тажрибасига эга бўлган оқсоқоллар билан маслаҳатлашиб иш тутиш қарор топмоқда.

Ёшларни тарбиялаш билан шуғуланишда яна бир мұхим жиҳатга— Ватанга садоқат масаласига дикқат-эътиборни қаратиш зарур. Чунки

ватанпарварлик ўзининг чуқур илдизлари, оила шаъни, авлодларимизнинг инсоний виждони, бурчга ва ўз сўзига бўлган садоқатига бориб тақалади. «Ҳалқимизнинг ватанпарварлиги,— деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти,— ҳар қандай ҳалқнинг шарафига, шаънига, маданиятига ва анъаналарига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишини ҳамиша мужассамлаштириб келган. Ҳар қандай инсон учун миллӣ гурур табиий, чунки у ота-онасидан мерос бўлиб қолган бўлиб, боланинг онага, отага, оламга қаратса қилган дастлабки сўзларида ифодасини топган бўлади. «Ўзбекчилик» тушунчasi— бу миллатчилик бўлмай, балки барча катта ва камсошли ҳалқи мансуб миллӣ хослийдир. Мана шу хислат ёшларимизда мужассамлашиши учун дилдан вижданан, ақл ва заковат билан астойдид мөхнат қилиш зарур. Бу ўз фаронлиги, оиласи ва давлати учун қилинадиган мөхнатдир.

Биз ёшларимизни миллӣ анъаналаримиз ва урф-одатларимиз, ватанпарварлик, фуқаролик бирлиги, миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялаш билан барпо этилаётган навқирон Ўзбекистон давлатининг заминини мустаҳкамлаган бўламиз.

**Элбек КАРИМОВ,**  
«Ишонч»нинг сиёсий шарқловччиси.



# ДЕҲҚОН ТОЛИҚИБ КОЛМАЙДИ

БИР тарафдан Чуст, иккинчи томондан күшни Киргизистон заминидаги Чотқол тизма тоғлари, бошқа ёқлардан Тўракурғон ва Косонсой туманлари оралиғида жойлашган «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалиги Косонсой туманиндағынамас, балки бутун Наманган вилоятидаги узумчиликка ихтиослашган йирик хўжаликлардан бири саналади. Хўжалик бошқарувининг раиси Абдулҳаким Худойназор билан 3-бригада дала шийпонига авжи тушлик олдидан етиб келдик. Чикинди тахта бўлакларидан ясалган «қўлбола» устолларга ёзилган дастурходаги обинонлар, картошка ва ловия аралаштириб пиширилган мoshхўрда одам иштаҳасини китиқлади.

— Буларнинг барни ўзимиздан чиккан,— соhibкорлар билан салом-аликдан сўнг изоҳ берди раис.— Унни дўконлар оркали катъий белгиланган ўлчов асосида сотилишидан ташқари ўзимиз этиширигандан бўғдоиён вакти-вакти билан тарқатиб борамиз. Картошка, сабзи, пиёз, табиийи дехончилик.

Маълум бўлишича, икки йилдирки, тушлик бепул йўлга кўйилмокда. Бунинг хўжалик хазинасига оғир келадиган жихати йўқ. Хар бир бригада ихтиёрига ярим гектардан ер ёрдамчи соҳа сифатида ҳавола этилган. Шунга кўра жамоа эҳтиёжига яраша барча экинлар этиширилади. Унинг ортиқча кисми сотилиб гурунч, ёғ, гўшт сотиб олинади. Хўжаликда чорвачилик тармоғи ривожланиб бораётпти. Хозир корамол сони 350 бошга етди. Бу эса марказий ва кўчма боғча ҳамда яслиларни сут ва сут маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш имконини бериш билан бир каторда тез-тез тушлик овқат учун арzon баҳоларда гўшт етказишга шароит яратмоқда.

— Олдинлари нукул юкоридан туриб бўйрукбозлик килинганидан дўйоннинг кўл-оғи кўзга кўринмас иплар билан боғлаб ташланганди. Ўз билганимизча иш юритиш хуқуқига эга эмасдик,— дейди сухбатлашиб ўтиарканмиз А. Худойназор,— шукурларким, Ўзбекистонимиз мустакилликка эришганлиги, жамиятимиз таракқиётидаги юз берган туб ўзгаришлар туфайли бу борағаги эркинликлар ўз қўлимига ўтди. Масалан, авваллари бизда обҳаво салқинлигига карамасдан узок йиллар мажбуран пахта этишириб келдик. Беҳуда ернинг умри ўтказилди, бошқа тармоқлардан келган даромаднинг талай кисми юз берган зиёни коплашга сарфланди. Бу йилдан зиётиборан пахтачилк барҳам топди. Натижада Галла майдонларимиз кенгайди. Хозир 131 гектар ерда бўғдоиётнига яратади. Бундан ташқари, 31 гектар майдонда картошка, 25 гектарда сабзавот, яна талай даламизда маккажӯҳори ва бошқа озука экинларидан дехончилик килаётпти. Аҳоли эҳтиёжини хисобга олиб бу йилдан зиётиборан шоли этиширишни ҳам йўлга кўйдик.

Шеригимнинг сўзларига кулоқ тутаркаймай, ушбу хўжалик ҳақида эшитганларим ва билганиларим ёдимга келади. Хўжалик ташкил этилгач, бир неча раҳбар келиб кетди. Улар орасида ўзиники билан жамоанинни аралаштириб урнган-сурилганлари ҳам топилди.

## САХОВАТ

Бухоро вилояти, Фиждувон туманиндағи Фовшин қишлоғ Шўросида депутатлар ташаббуси билан хайрия жамғармаси ташкил этилиб, фоалият кўрсатаётганига иккни йилдан ошди.

Бозор иктисодиётининг кийини шаронтида ҳам бу жамғарма хисобидан муҳтоjlарга 30 минг сўмлик мадад берилди. Бу жамғарма жон-куярлари албатта, саховатли кишилар ва меҳнат жамоа-

ларидир. Шахриёр Шаропов, Аслон Раупов, Рихситилла Халилов, Нарзулла Толиполовлар ўз шахсий жамғармаларидан 1000—5000 сўмгача пулни 000142630-хисоб ракамига кўчирдилар. Шунингдек, «Саховат» кичик корхонаси маҳсулотларидан — гилам, сандик ва бошқаларни кам даромадли оиласларга, бокувчинини йўкотганларга берилмоқда.

— Хозир хисобимизда 27 минг сўм маблағ бор,—

дейди кишилек шўроси раиси Хумор Ҳамроева.— Гарчи бу унча катта пул бўлмаса-да, муҳтоjlар учун аскотади. Жамғармага меҳр-муруватли кишилар, жамоалар ўз ихтиёrlари билан пул топширайтганларни куончлидир. Айниқса, Зарафшон матлубот жамиятининг доимий ёрдамидан миннатдормиз.

БАҲОДИР ЭГАМОВ,



## ҲИССАДОШЛАР



ТАЙЁР маҳсулотлар бўлимида кўп йиллардан бери меҳнат қилаётган Солижон Усмоновни нафакага кузатиши маросими бўлди. Табрик сўзлари ниҳоясида унга завод маъмуряти ва касаба уюшмаси қўмитасининг пул мукофоти топширилди.

Солижон Усмонов шу даргоҳда ўтган умри билан фахрланади. Унинг ўғли ҳам ота изидан бориб, шу даргоҳда меҳнат қилаяпти.

Бекобод темирбетон ва қурилиш маҳсулотлари комбинатида ишлаб, меҳнатидан барака топаётганлар кўпчиликни ташкил этади. Комилжон Мамажонов ҳам ота изидан келиб, ҳалол меҳнати билан кўпчиликка танилди.

350 нафар меҳнат аҳлини бирлаштирган бу завод ишлаб чиқарган маҳсулоти билан қўшни Тожикистон, Киргизистон, Қозогистон ҳам таниш.

Завод иши шаҳар ташқарисидаги кум-шагал кони ва шағални қайта ишлаш корхонасида бошланади. Асосий цехларда белгиланган миқдорда шағал, кум, цемент кориши маси тайёрланиб, арматура цехидаги маҳсус қолилларга солинади, сўнг буюртмачи қўнглидагидай маҳсулотга айланади. «ПТК-59» плиталари, турли ҳажмдаги сугориш лоток-арикчалар, девор плиталари асосий ишлаб чиқариш маҳсулотларидир. Бундай маҳсулотлар корхона ва ташкилотлар катори шахсий ўй курувчиларга ҳам сотила бошланди. Факат шу йилнинг тўрт ойида 103 776 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Шахсий ўй курувчилар эҳтиёжи хисобга олинниб, пойдевор блоклари ва катта ҳажмдаги гиштлар ҳам тайёрланиши ўтган йўйилган. Ўтган тўрт ойда ана шундай маҳсулотлардан 838 минг сўмлик ишлаб чиқарилди. Махмуд Сауров, Эшонкул Абдуллаев, Муҳаммаджон Йўлдошевлар бундай маҳсулотларнинг сифатли эканлигига кафолат бераятилар.

Цехларда узлуксиз иш жараёнини таъминлаётганларнинг тушлик овқатлари учун 50 сўмдан пул, сут учун ишчиларга талон бериб борилади. Завод ошхонасида хилма-хил таомлар тайёрланади.

Оилавий шароитларни хисобга олиб, тўрли хил озиқоват маҳсулотлари билан таъминлаш харакатидамиз.

— Ишчиларимизнинг,— дейди касаба уюшмаси қўмитаси нинг раиси Абдураззоқ Нурматов,— Ўтган йили Тожикистон республикасининг Шаҳристон давлат хўжалиги билан ўзаро айирбошлиш шартномамизга амал қилган эдик. Бу йил Сирдарё вилоятининг Боёвут туман, Ленин номли жамоа хўжалиги меҳнаткашлари билан шартнома туздик. Барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишчиларимизга арzon баҳода сотилиди.

Хозирги вақтда ишчиларнинг ўртача иш ҳақи 13 минг сўм. Уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш учун алоҳида бинода тиббий даволаш, дам олиш хоналари ишлаб туриби. Ўтган тўрт ойда турли санаторийларга 7 та йўлланмана олинниб, ишчиларга тарқатилди. Санаторийлар, дам олиш ўйлари, турли саёҳатлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда.

Хозиргина темир йўл тармоқлари ҳолати, ортиш кранлари билан танишиб чиқдим,— дейди завод раҳбари Б. А. Абдуллаев.— Қўшни республикалардан кўпроқ буюртмалар олиб, вактида етказиб бериш режамиз бор. Унда даромадимиз янада кўпайиб, ишчиларимизнинг маоши ҳам ортади, демак, турмуш шароити яхшиланади.

Темур ҲАЙДАРОВ,

Суратларда: Кранчи Комилжон Мамажонов ҳар куни юзлаб тонна юкларни кўтарадиган механизми башқарди. Шахсий ўйлар учун пойдевор блоклари ва гиштлар тайёрлаш цехида иш қизғин. Ишчилар Махмуд Сауров, завод касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Абдураззоқ Нурматов, Эшонкул Абдуллаев, Муҳаммаджон Йўлдошевлар тайёр маҳсулотни кўздан кечиришмоқда.

Муаллиф олган суратлар.

# ИШЧИ ХИМОЯСИЗ ҚОЛМАЙДИ

**«Навоизот» ишлаб чиқарши бирлашмасининг ижтимоий ва маший хизмат бўйича директори Усмон Мамедович Мамедов билан сұхбат**

— Усмон Мамедович, кейнги пайтларда корхонанинг атроф-муҳитни заҳарлаши анча қисқарган, дейишияти. Аввало, ана шу хусусда аникроқ маълумот берсангиз.

— Қисқаргани рост. Ўтган йили ҳавога амиак, углерод оксидлари ва бошқа турли хил кимёвий заҳарли моддалар чиқариш анча камайди. Бир қатор ишлаб чиқариш тармокларида компрессорлар, буғ музлатгичлари, конденсаторлар таъмирланди. Умумий ҳисобда ҳаво бассейнларини ҳимоялаш, атроф-муҳитга мўътадил ҳавонинг бўлишини таъминлаш борасида килинган саъй-харакатлар учун корхона томонидан 6 миллион 771 минг сўмлик маблағ сарфланди.

Яна шуни ҳам алоҳида қайд этиш керакки, «Нитрон» заводида чикндиларни эритувчи ускуна фойдаланишга топширилди. Бу билан шу хилдаги тола чикндиларининг экологияга салбий таъсир этшига барҳам берилди. Шунингдек, бундай чикндиларни ёқиб юборишга ўйл қўйилмаяти. Шу каби органик биримлар ишлаб чиқаришида таркибида циансол колдикларини сақловчи оқаваларни тозалайдиган ускуна ҳам монтаж килинёттир.

Ҳавога заҳарли газ чиқарувчи кўпгина кувурлар тозалигичли кувурларга алмаштирилди. Айрим шу хилдаги кувурларни фильтрлари ўзгартирилди.

Умуман олганда, имкони борича атроф-муҳит об-ҳавосини бузилишига йўл қўймаслик корхона раҳбариют олдиди турган энг асосий вазифалардан биридир. Мехнат ахли саломат бўлишса, бу бизнинг бойлигимиз. Ишлаб чиқаришдаги ютукларимизни ҳам шусиз тасаввур этломаймиз.

Корхонада атроф-муҳит ҳавосининг ифлосланиши ва заҳарланишининг олдини олиш максадида -узок муддатли дастур ишлаб чиқилганини, бу дастурнинг бажарилишига дадил киришилганини фикримизнинг далиладир.

— «Навоизот»— ўз номи билан «Навоизот». Шундай бўлгач, унда ишлашнинг ҳам ўзига хос соглиқка зарарли томонлари бор. Гапнинг дангали, корхонада меҳнат қишисининг саломатлигини муҳофаза қилиш борасида қандай ишлар амалга оширилдап?

— Албатта, бу борада биринчидан, уларнинг иш жойларида саломатликларини муҳофаза этиш чораларини кўрьямиз. Заҳарли цехларда ишловчилар махсус кийим билан таъминланган. Иш жойларида ҳавони турли хил ифлосликлардан тозаловчи циклонлар ишлаб турибди. Ишчилар бепул парҳез таомлар билан таъминланмоқда.

Шунингдек, ишчи-хизматчиларининг саломатлигини мустаҳкамлаш учун битта профилакторий, битта тиббиёт-санитария қисми, поликлиники ишлаб турибди.

Биргина поликлиникамиз кунига 450 беморга хизмат кўрсата олади. Соғлиқни саклаш даргоҳларимизда эса 300 нафардан зиёд шифкор беморлар саломатлигини саклаш йўлида

астойдил жон кўйирмокда.

Врачлардан Қамариддин Комилов, Олим Раҳмонов, Шамсиiddин Зарипов, Нормўмин Қодиров, тиббиёт ҳамширларидан Сайёра Тоғаева, Нодира Нажимова, Инобат Рауповалар беморларни сидкидилдан муолажа килишаётир. Шунингдек, биз Санкт-Петербург тиббиёт илмий-текшириш институти ва Волгоград «Қўз микрохирургия» илмий-текшириш институти билан ҳам алоқа килиб турибмиз.

— Бозор иқтисодиётiga ўтиш даври муаммолари, нарх-навонинг ошиб кетганлиги ва ундаги номутаносибликлар сизнинг корхонангиз қўпчилик ишчи-хизматчиларини ҳам мoddий жиҳатдан қўйнаб қўйган бўлса керак. Ана шундай пайтда маъмурят ва қасаба уюшмаси ўртасида тузилган жамоа шартномаси катта роль ўйнаши, шубҳасиз. Корхонангизда мазкур шартноманинг бажарилиши хусусида гапириб берсангиз.

— Ҳамкорликда тузилган жамоа шартномасининг бажарилиши корхонамиз ишчи-хизматчиларини ижтимоий ҳимоялашда жуда кўл келяпти. Четга чиқиш учун йўл кира ҳаки ҳамда санаторий ва курортларда дам олиб даволаниш харажатлари анча ошиб кетган бўлишига қарамасдан ишчи-хизматчиларимиз республикализм соғломлаштириш масканлари, республикамиздан ташқаридаги Кисловодск, Железноводск, Иссиқкўл санаторийларида кўнгилли ҳордик чиқариб қайтмоқдалар. Бундай йўлланмаларнинг бир қисми корхона ҳисобидан ишчи-хизматчиларга бепул қилиб берилмоқда. Йўл харажатларининг ҳам бир томонини тўлашни корхона ўз зиммасига олаётir.

Корхона ўш болали оналарга, меҳнат таътилига чиқаётган қишиларга ҳам маълум микдорда мoddий ёрдам беряпти.

Хозирги иқтисодий шароитни ҳисобга олган ҳолда ишчи-хизматчиларимизнинг ойлик маошига қўшимча ойига 2500 сўмдан овқат пули тўлаб турибмиз.

Умуман олганда, биргина ўтган йили биз ижтимоий суғурта ҳисобидан корхонамиз жамоасига 29 миллион 380 минг сўм пул сарфладик. Бизда ишлаб нафақага чиккан, айни пайтда қасаба уюшмаси ҳисобида турганлар бирлашма ишчи-хизматчилари билан бир хил имтиёзга эгадирлар.

— Кейнги пайтларда курилиш материалларининг танқислашганлиги, давлат уй-жойлари хусусийлаштирилаётганлиги муносабати билан бу борада жиддий муаммолар пайдо бўлди. Корхонангизда меҳнаткашларга уй-жой бериш, уларнинг яшаш ва меҳнат шароитларини яхшилаш борасида қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

— Бизда ҳали уй-жой муаммоси тўла ҳал этилгани йўк. Бироқ шунга қарамасдан биргина ўтган йилнинг ўзида 143 нафар ишчи-хизматчининг уй-жой шароити яхшиланди.

Бирлашмамида б та ишчилар ётоқхонаси бор. Уларда 4 мингга якин

киши истиқомат килади. Бу ётоқхоналар навбати билан тўлиқ таъмирлаб турилади. Шу туфайли уларда ишчи-хизматчиларнинг яхши яшашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, якинда ҳар қайси 510 ўринли 5-6-ётоқхоналарни таъмирлаб, унда истиқомат килувчиларнинг ихтиёрига топширилди. Эндиликда бу ётоқхоналар шарт-шароитлари, ички ва ташки қиёфаси жиҳатдан янгисидан қолишмайди. Айни пайтда эса 928 ўринли 1-ётоқхона таъмирланмоқда.

— Бозор иқтисодиёт тақозоси билан ҳозир ҳамма жойда ишчи ўринлари қисқариб кетяпти. Бу масалага сизнинг корхонангизда қандай ёндашилдап?

— Бирлашмада ҳозирги пайтда 11 мингга якин қиши меҳнат киляпти. Бизда хизмат ўринларини қискартириш йўқ, ҳисоби. Аксинча, айни пайтда ҳам кўпгина цехларга малакали ишчиларни ишга кабул киляпмиз. Санокли жойларда ишчи ўринларининг қисқариши рўй берган тақдирда ҳам аввало, ишчиларнинг хошишига, колаверса, уларнинг билими, ихтисоси ва малакасини инобатга олган ҳолда бошқа цехларга ўтказяпмиз.

Бу саволга аниқ ва лўнда килиб жавоб берадиган бўлсанам, бизда меҳнат фронти кенг ҳамда кўп қамровлидир.

— Усмон ака, мақа, серкүёш Ҳубекистонимизнинг мустақилликка эришганига ҳам бир ярим йилдан ошиди. Корхонангизда ҳалқимизнинг эзгу орзу — мустақилликни мустаҳкамлаш борасида қандай ишлар амалга оширилдап?

— Истиқолол корхонамиз меҳнат аҳлига ҳам қувонч келтириди. Биринчи навбатда шуни алоҳида қайд этиш керакки, биз собик Иттифок даврида тайёрланган махсулотни ўша вазирликка топшириб, кўз тикиб турардик. Энди эса барча махсулот — кишлок хўжалиги экинлари хосилорлигини оширувчи минерал ўғитлар, ҳалқ истеъмоли моллари республикамиз аҳолисига етказиб бериляпти.

Бирлашмада давлат тили тўғрисидаги конунни амалга ошириш бўлими фаолият кўрсатмоқда. Унда ўзбек тилини ва ҳалқимиз урф-одатларини ўрганиш, ҳаётга татбиқ этиш бўйича амалий машгулотлар олиб бориляпти. Корхонага карашли «Ширин» маданият саройида эса эски ўзбек ёзуви ни ўргатиш курси ишлаб турибди.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, бирлашмамида ҳалқимизнинг севимли миллӣ байрами — Наврӯз зўр шодиёна сифатида нишонланди. Бу байрамда бирлашмамида меҳнат килаётган турли миллат фарзандлари фаол катнашдилар. Наврӯз тантаналари кадриятимиз, миллӣ урф-одатларимиз тикланаётганлигини ёркин намоён этди.

— Мазмунли сұхбатингиз учун раҳмат!

Сұхбатдош: Ризо ХУДОЙҚУЛОВ.

## ҲАМКОРЛИК

МУСТАҚИЛЛИК бизга кўп нарса берди. Истиқолол шароғати боис чет давлатларнинг Ўзбекистонга, унинг меҳнаткаш ҳалқига нисбатан инилиши кучаймоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши чет мамлакатлар касаба уюшма марказлари билан ҳамкорликни кенгайтириш борасида ибратли фаолият кўрсатмоқда.

Куни кеңа Ҳубекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг муовини М. М. Тўлаганова Хитой ҳалқ республикасининг йирик Аншань шаҳар касаба уюшмалари делегациясини қабул қилди.

Дўстона бу учрашувда иккиммакат вакиллари эл саломатлиги юрт фаронлиги ҳакида узок сұхбатлашиди. Умумхитой касаба уюшмаси Федерацияси ижроия қўмитаси аъзоси, Аншань шаҳар касаба уюшмалари раиси — Фан Е Зонг, шу шаҳар касаба уюшмалари бош котиби Ли Йог Янг, касаба уюшмалари бўлим бошлиги Чжан Цзузун Вэй, шаҳар санаторийлари касаба уюшмалари бош табии Суй Янфен ўзларининг ибратли фаолиятларидан сўзлаб беришди. Ўзбекистон курортларини бошқариш кенгаши раиси Х. Ш. Махмудов меҳмонларга Республика издағидаги ютуклар ҳакида гапирди.

Хитойлик меҳмонлар Тошкентнинг дикқатга сазовор жойларини томоша қилишди, курорт ва санаторийларда бўлишди.

**Норинса ҚОСИМОВА,  
«Ишонч» мухбири**

## МАРКАЗДА САВДО ҚИЗГИН

КОСОН шаҳрида Косон матлубот жамияти ихтиёридаги янги «Савдо маркази» ишлай бошлади. Бу ерда бир ойда қарийиб беш миллион сўмлик савдо хизмати кўрсатиши режалаштирилган. Дўкон бўлимлари кийим-кечак ва бошқа харидорларига товарлар билан лик тўла, шу боисдан ҳам ҳозирги кунда бу ердан харидорларнинг кети узилмаяти.

— Бизнинг бўлимимиз бир ойда аҳолига бир ярим миллион сўмлик савдо хизмати кўрсатиши лозим,— дейди тайёр кийимлар бўлими мутасаддиси Икром Фармонов.

«Савдо марказ»нда хизмат килаётганлар факатгина режаларини бажариш хусусида эмас, балки савдо даргоҳини озода, саранжомсаришта, тартибли саклаш, иш режими, савдо қонқондларни, маданиятига тўла риоя қилиш, харидорларга нисбатан очик чехрали, хушмуомила бўлиб, уларнинг талабларини тўла кондиришга эришиш борасида ҳам жиддий ўйлаб, иш тутмокдалар. Бу хусусда ёш савдо ходимларидан Жамшид, Ориф, Элмира Фармоновлар, Зулайҳо Шаропова ва бошқалар ҳамкасларига намуна бўлмоқдалар.

Нормамат TOFA, Ҳубекистон журналистлар уюшмасининг аъзоси.



Абдуқаҳор Иброҳимовнинг «Туркистон япроқлари» деган ҳужжатли қиссасида тақдир тақозоси билан ватанимиздан бош олиб кетишига мажбур бўлган юртдошлиаримиз ҳар ёққа сочилиб кетган япроқларга қиёс қилинган. Улар орасида бемахал ҳазон бўлганилар ҳам, ўзга юртларда илдиз қўйиб, палак ёзғанилар ҳам бор. Кўйида шу асаардан парча ўқийисиз.

1991 йилнинг 16 декабрида тушдан кейин Жаъфар Жонли билан Мустафо Камол Отатурк мақбарасининг ўнг томонидаги гулзорга Тошкентдан олиб кетганим Туркистоннинг тўрт япроғидан бирини майдалаб тупрок янтиғи сочиб юбордим. Туркия тупроғига Туркистон япроғи коришиб кетди. Бу Мустафо Камол Отатурк хотирасига, турк тупроғига ҳурматим белгисидир. Шундан кейин мақбара ичкарисига қадам босдим, Куръон тиловат килиб, Отатурк руҳига багишладим...

Отатурк қабри пойига «Ўзбекистон Президентидан» деб ёзилган янги гулчамбар қўйилганди.

Жаъфарбек билан Анқарапинг четроғидаги мозористонда Абдумажид амакимнинг қабрини ҳам зиёрат этиб, куръон тиловат килиб, руҳи покига багишладик. Дарвоқе, бу ерда ён даф-

ладим. «Жойингиз жаннатда бўлсин! Альвидо амаки!» дега мозористондан чиқдим. Осмон беғубор, куёш чаракла бтурган бўлса ҳам кун совук эди. Изгирип шамол. Бироқ мен тилга олаётганим Туркистон ва янги Туркистон бўлмиш Туркияниг асл фарзандлари хоҳ марҳум бўлсинлар, хоҳ тирик — ҳаётбахш тафтлари асрларча давом этажак.

Истамбулнинг Босфор бўғози ёқараб, аэропортга кетаверишида Отакўй мавзесида, шундок сув кирғоғида узундан узун катта<sup>2</sup> оқ иморат бор. Бу — ёпик бозор «Отакўй галлерияси»дир.

этади.

Истамбулдаги музейларда кўргазмага қўйилган нарсаларни айтмайсизми? Масалан, Тўпқопу саройи музейдаги «Хирқаи саодат» бўлимида Мухаммад пайғамбаримизнинг табаррук кийимлари, халифаларнинг қалқон ва киличлари кўргазмага қўйилган.

Чет эллардан ватандошлиаримиз келиб-кетиб туришибди, бундай бордикелдилар янада кучаяди.

Туркия моделини қўллаш деганда турк қардошлиаримиздан маънавият бобида ибрат олишимизни тушунаман. Масалан...

Анқарада Мустафо Камол Отатурк мақбарасида доимий фахрий поебонлик жорий этилган.

Амир Темур мақбарасида ҳам шундай ҳурмат белгиси жорий этилса кошки эди.

Истамбулдаги Тўпқопу саройида пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломнинг табаррук кийимлари сақланувчи «Хирқаи саодат»да кори Куръон тиловати билан кун бўйи машғул. Бу хол расули акрамга кўрсатилган юксак эх-

турк дунёси ҳакида бир олам янги маълумот олдим. Ҳозир истеъфога чиқкан бу камтарин киши Туркистонимизни, умуман бутун Туронни шунчалик севар ва қадрлар эканки, бундай кучли туйгуни ундан олдин Темирхўжада кўрган эдим. Фарзандлари ва жиянларини ўз аждодига ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида Неъматилла ака шажара ҳам тузган: тошкентлик Шоҳидоят бойнинг беш нафар ўғли бўлган: Шожалил, Шотожибий, Шоисматулла, Шобилол, Шомурод. Шомурод аканинг ҳам беш нафар фарзанди, уч ўғил, икки кизи бўлган: Неъматилла, Шавкат, Азиза, Санжар, Гулар. Булардан Неъматилла ва Шавкат акалар, Азиза опа Тошкентда туғилишган бўлишса, Санжар ва Гулар чет элда таваллуд кўришган. Ҳаммалари бола-ҷақали. Истамбулда истиқомат қилишади.

Неъматилла аканинг фикрича ҳарбийлар, хоҳ оддий аскар бўлсин, хоҳ зобит — тарих ва адабиётни билиши керак.

Ўзбекистон олий ва ўрта ҳарбий ўкув юртларида Турон тарихи ва мумтоз адабиёт дарслари ҳам бўлишини йўлга қўйиши тавсия этиш, бу ишга Туркия, Саудия Арабистони, Афғонистон, АҚШда ҳарбий хизмат ўтаган ва ҳамон сафда бўлган Неъмат Ўзулуг сингари туркестонликларни ҳам жалб этиши фойдадан ҳоли эмас, деб биламан. Неъмат Ўзулугнинг икки ўғли — Элхон Ўзулуг ва Эҳсон Ўзулуг ҳозир Туркия армиясида зобит бўлиб хизмат қилишаётир. Бундай шарафли касбни танлаган туркестонликлар кўп.

Айтгандай, Неъматилла ака буюк олим Заки Валидийнинг Туркияда чоп этилган, Туркестон тарихига доир бир неча иирик китобини тақдим этар экан, жавондаги тарих ва ҳарбий мансубяна бир неча китобга ишора килиб шундай деди: «Ўзбекистоннинг Истамбулда консульхонаси ёки Анқарада элчихонаси очилиши биланоқ булатни Тошкентдаги ҳарбий мактабларнинг кутубхоналарига бериш учун консулимиз ёки элчимиға топширмоқчиман. Туркия ҳукумати Ўзбекистонни мустакил давлат сифатида биринчи бўлиб тан олди, Ўзбекистон ҳам ўзининг биринчи элчихонаси ёки консульхонасини Туркияда очса керак». Кейин таъкидлади: «Мустакиллик мамлакат турмушида миллий тил кўлланилишида яққол кўзга ташланади: молия ва ҳарбия. Мустакил давлатнинг фуқароси сифатида почта ёки кассада шу мамлакатнинг миллий тилида қофоз тўлдириб, ишигизни битира олсангиз катта гап. Мен ўзбекча ҳарбий бўйруқларни тузиз чиқишига, умуман, ўзбекча ҳарбий атамаларни яратишида бир ҳарбий мутахассис сифатида холисанилло қатнашишим мумкин. Ҳарбий бўйруқларимиз, атамаларимиз азалдан мавжуд, ахир қадимдан ўз давлати, ўз мунтазам қўшинига эга ҳалқмиз. Вазифа тарихни вақтлаб, унтуилаёзган бўйруқ ва атамаларни топиб, тартиба солиш, бир тизимга келтиришdir. Янгиларини кардош халклар тажрибасига суюни яратиш лозим. Миллий тилда иш юритилмайдиган армияни миллий армия деб бўлмайди, оддий аскарларнинг руҳи, зобитлар салобати, қўшиннинг шукухи учалик бўлмайди».

Туркиялик кардошлиаримиз ўзларини ота Туркестоннинг жўжиқларимиз, яъни фарзандларимиз, деб фаҳрланишганида, албатта, буюк аждодимиз Жалолиддин Румийни ҳам назарда тутишлари турган гап. Ота-боболари Туркестонлик бўлган, ул буюк зотни Туркияда шу қадар эъзозлашади, ҳатто минг турк лираси қийматига эга пулга Жалолиддин Румийнинг салобатли ва нурли тасвири туширилган. Шундан ибрат олиб, мустакил Ўзбекистоннинг мустакил пули чиқарилганда имом ал-Бухорий, имом ат-Термизий, Пахлавон Маҳмуд қабрларини зиёрат килишда поклика риоя этилса, Шоҳи Зинда зиёрати давомида чекилмаса, имом Шоший каби буюк зотлар мақбаралари зиёратгоҳлар рўйхатига киритилса...

Туркиялик туркестонликлар ҳакида сўз юритар эканман, албатта, яна битта олижаноб инсон — Азиза Қайнарнинг акаси Неъмат Ўзулуг ҳакида тўхтальмасам инсофдан бўлmas. Неъматилла ака билан Истамбулдаги хонадонида икки-уч соат давомида сұхбатлашиб,

# ЯПРОК-ТУПРОК РАМЗИ

тарим катидан иккинчи япроқни олиб, амаким сағанасининг тупрокли қисмига кўмб кўйдим. Бу унинг қабрига она юртидан бир чимдим тупрок ҳисобида эди. Тириклигига кўрмаган, амакижонимнинг ётар жойи нурга тўлиқ бўлсин. «Тошкентда қариндошлиарингиз сизни тез-тез эслаб туришади, амакижон, унутмаганмиз сизни. Истамбулга келиб кенойингиз Невинхоними, Оролбей, Тўтрулбейларни илк бор кўрдим, акангиз — Аҳмаджон амакимлининг қабрларини зиёрат килдим, ёр-биродарларингиз билан сизни эслашдик. Мана қабрингиз пойида кўёвингиз Жаъфарбей билан бирга руҳингизга ҳурматимизни ифодалаб турибмиз. Сизнинг падари бузрукворингиз — менинг бобом Иброҳимхожи ва бошқа хеш-акраболаримиз дағи этилган — хилхонамиз жойлашган, ўша ўзингиз билган шайх Зайниддин кабристонидан бир чимдим тупрок ўрнида Туркестон япроқларидан бирини қабрингиз тупроғига кўмб кўйдим. Айтгандай, Туркияга келиш олдида шайх Зайниддин қабристонига бориб, кўз очиб кўрганингиз — Раҳимабону опоким қабрларини ёнида бўлдим. Сизни зиёрат килгани йўлга чиқаётганимни гойибона маълум қилдим. Раҳимабону опоким сизни ўла-ўлгунларича унутмадилар...

Шундай хаёл оғушига берилар эканман, Жаъфарбей устма-уст атайнин йўталётганини сезиб қолдим. У узок туриб қолдик, совқотдим, кетайлик, дейишига ийманиб, йўғалиб қўйган экан. Буни илғаб, тиловати Куръонни бош-

тиром, зиёратчиларга руҳий таъсир этиш омили ҳамдир.

Янги ташкил этилган Диний ишлар кўмитаси кўмагида имом Бўхорий, имом Термизий, имом Абу Бакр Шоҳий, Баҳовуддин Накшбанд, Пахлавон Маҳмуд, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорвалий, шайх Зайниддин, Зангига ота каби машҳур макбараларда, шунингдек, Шоҳи Зинда кориларнинг доимий Куръони мажид тиловатлари ташкил этилса, айни мудда бўлур эди.

Ислом таълимотида, мусулмончиликда қабрнинг устини безатишга эмас, қабрнинг ичи нурли бўлишига диккат каратилади... Қабрнинг устини безатиш моддий ҳаракатидир, қабр ичини ёруғ килиш эса руҳий таъсирдир. Бу эса марҳум ёки марҳума руҳига дуои фотиха қилиш, хотирлаб туриш орқали амалга оширилади. Демак қабрлар атрофини хас-ҳашакка тўлдириш ўрнига, мозор бошида Куръон тиловат қилиб, дуои фотиха ўқиш минг бора афзалдир.

Дунёнинг кўп мамлакатларидан бўлгани каби Туркияда ҳам мукаддас бино-ларни оғек кийимида кирилмайди. Бизда ҳам, имом ал-Бухорий, имом ат-Термизий, Пахлавон Маҳмуд қабрларини зиёрат килишда поклика риоя этилса, Шоҳи Зинда зиёрати давомида чекилмаса, имом Шоший каби буюк зотлар мақбаралари зиёратгоҳлар рўйхатига киритилса...

Туркиялик туркестонликлар ҳакида сўз юритар эканман, албатта, яна битта олижаноб инсон — Азиза Қайнарнинг акаси Неъмат Ўзулуг ҳакида тўхтальмасам инсофдан бўлmas. Неъматилла ака билан Истамбулдаги хонадонида икки-уч соат давомида сұхбатлашиб,

Абдуқаҳор ИБРОҲИМОВ.

## Саволга иқтисодчи Санжар Расулов жавоб беради.

**Хўжалигимизда 40 турга яқин экин экилиб қишилк хўжалик маҳсулотлари етиштирилади. Асосан ишлаб чиқаришнинг «оилавий пудрат» усули ташкил этилган. Президентимизнинг 1993 йил 1 июндан меҳнат ҳаки, стипендияларни ошириш ҳақидаги Фармонини бажариш бўйича ҳар хил фикр-мулоҳазалар талқин этилмоқда. Бизнинг шароитда уни қандай бажариш мумкин?**

**Б. АҲМЕДОВ,**  
иқтисодчи, Тошкент вилояти,  
Кибрай тумани.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 28 май НФ-607 сонли 1993 йил 1 июнданги меҳнат ҳаки, нафакалар, стипендияларнинг, болалик оиласлар ижтимоий нафакаларининг микдорларини ошириш ҳамда республиканинг истеъмол бўрини ҳимоя килиш чоралари тўғрисидаги Фармони бозор иқтисодиёт шароитда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида кўрилган асосий чора, десак муболага килмаган бўламиз.

Бу Фармон ўзининг иж-

роси нуктаи назардан ишлаб чиқариш соҳаларига караб хўжалик маъмуряти раҳбар ва мутахассисларидан катта масъулият талаб қилади. Бунга саноатнинг ишлаб чиқарышдаги (даври) тугалланмаган соҳалари (курилиш, ишлаб-чиқариш даври узок давом этадиган маҳсулотлар) ва қишлоқ хўжалигининг деярли ҳамма соҳалари мисол бўла олади.

Бу масалада Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик вазирлигининг 2 июнь 1993 йил № 35—

18—116 тушунтириш хати ва ундаги меҳнат ҳақини 2,5 баравар оширилгандан сўнг ишлаб чиқилган «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси» жойлардаги ҳисоб-китоб учун кўлланмадир. Лекин Фармоннинг 1 июнь 1993 йилдан кучга киритилиши меҳнат ҳақини ошириш бўйича айрим фикр-мулоҳазалар юритишини тақозо этади.

Айниқса қишлоқ хўжалигининг далачиликда иш ҳақини ошириш билан боғлиқ ҳисоб-китоблар алоҳида эътиборга мойилдир.

Президентимизнинг иш ҳақини 1 июнь 1993 йилдан 2,5 баравар кўтариш ҳақидаги Фармони билан бир каторда Ўзбекистон Вазирлар маҳкамасининг «Пахта, чорва ва сут, айрим турдаги мева, сабзавот маҳсулотларининг ҳарид нархларини ошириш тўғрисида»ги қарори билан пахтанинг баҳоси 4,5 баравар кўтарилди. Картошка ва сабзвотнинг айрим турлари эркин келишилган баҳода сотиладиган бўлди. Шу билан бир каторда маҳсулотни етиштириш учун керакли бўл-

ган хомашёларнинг (ёнилфи, мойлаш материаллари инвентар, ўғит ва бошқалар) баҳолари ўз-ўзидан кўтарилиб кетди. Демак, баҳо билан бир каторда маҳсулот таннархи ҳам кўтарилди. Шундай экан, айрим хўжаликларда амалга оширилаётган «олинган даромаднинг маълум қисм (фоизини) иш ҳақи килиб белгилаш»-усулига эҳтиёркорлик билан ёндошиш керак.

Ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг тури, давридан катъи назар, иш ҳақини оширишда қўйидаги тавсиялар назарда тутилиши керак.

1. Маҳсулот етиштирувчининг ижтимоий ҳимояси;

2. Хўжаликда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш;

3. Хўжаликдаги ногиронлар, нафака олувчилар, болалар ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ва бошқалар.

Ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиш услуби (ижара, оила пудрати, ҳақиқий бажарилган ишга ҳақ тўлаш, наряд)дан катъи назар меҳнат ҳақи-

ни белгилаш асосида технологик жараён кўзда тутилиши керак. У ҳар бир хўжаликнинг табиий, экологик ва бошқа қинжаларни етиштириш билан боғлиқ шароити инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилади. Шунинг учун Меҳнат ҳакини 1 июнь 1993 йилдан 2,5 баравар кўтаришда шу хўжалик шароитида 1 июнгача маҳсулот етиштириш бўйича бажарилган иш ҳисобга олиниб, колгани қисми кўтарилиши лозим.

Тошкент вилоятидаги сабзавот, мева, узум ва бошқа далачилик қинжалари етиштирувчи хўжаликларда қайд этилган жараённи аниқ ҳисобга олиш ишлари анча мураккабликларни туғдиради. Бундан ташқари уларда ишлаб чиқариш асосан «оилавий пудрат» усулида ташкил этилган бўлиб, меҳнатнинг ҳаки маълум қисми йил давомида аванс тарикасида бериб борилади ва йил охиридаги маҳсулот етиштириш натижаси бўйича ҳисоб-китоб қилинади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда қўйидаги 1 июнь 1993 йилдан иш ҳақини ошириш усулини тавсия этамиз.

## ЖАДВАЛ

Экин тури	I VI 1993 йил кунига белгиланган меҳнат сарфи		Етиштирилаётган экинини вегитация даври		Шужумладан 1993 йил июндан иш ҳақи оширилариган ойлар	Вегитация даврининг 11 ойнага тўғри келадиган иш ҳақи	Фармонга асосан 1 июнь 1993 йил оширилган иш ҳақи	Иш ҳаки оширилиши керак ойлар, учун I.VI гача бўлган норма асосида белгиланган иш ҳақи	I июнь 1993 йилда иш ҳаки 2,5 барабар оширилгандан сўнг тўланадиган иш ҳақи
	одам куни	иш ҳаки	кайси ойларда	нечо ой					
1	2	3	4	5	6	7 (3:5)	8 (6×7×2,5)	9 (7×6)	10 (3+9+8)
Бугдой	35	5250	I. X—93 й. I. VII—94 й.	9	1	583	1458	583	6125
Каром ил. остида	306	45900	I. II—93 й. I. VI—93 й.	4	—	—	11475	—	—
Помидор	302	45225	I. IV—93 й. 15. X—93 й.	6,5	4,5	6958	78274	31310	92189

Илова. 1. Ҳисоб гектар майдон учун олиб борилган.  
2. Белгиланган меҳнат сарфи ва вегитация даври шартли равишда олинди.

ИНСОНЯТНИНГ бутун ҳаёти китобда жобажо бўлди, китобда мансиз қурди. Одамлар, қабилилар, салтанатлар, мағкуралар емишлид, китоблар эса қолерди. Китоб инсонигт ҳаётига шундай бир ўхижат бўлиб кирди, у туфайли кўхна тарих қаърига, тер, қон ва жон эвазига топилган Ҳаққатлар ва Адолатлар, Умомлар ва Оргу-армонлар оламига саёҳат қиласиз, у туфайли ҳозирги кунинг айқас-үйкази ходисаларни баҳолайдиз, у туфайли келажак, истиқлол дастурларини, аъмолларини ишиш этади.

Бозор муносабатларига ўтиши давридаги ола-говур замонда китоб қадри бир қадар тушсанга, одамлар китоб ўқишидан кўра қорин, кийим-кечак ганима тушиб қолсанга ўхшайди. Аммо аҳди дониш китоб қадрини ҳамма нарсадан ўстивор бўладилар. Чунки бигта музқаймоқ юз сўй, ўн табоюни китобини нархи ҳам шундай бўйли турбиди.

Қўнгилга шу нарса таскин беради, ҳалқимиз азалдан китобсевар бўлган. Ота-боболаримиз сандалдай-сандалдай китобларни чиройли дастхатларда қўлда кўйчириланлар, асрлардан-асрларга авайлаб олиб ўтганлар. Яқин ўтган даворда ана шу китоблар қўнгинга чуради. Ҳаирятикли, Ўзбекистон мустақилликни қўлда киригандан сўнг маънавий қадриятларга юз бўрдик. Бу гапларни айтишдан мубодио ўзки, замонлар ўтаверар, китоблар эса қолаверар экан. Шу боис ҳозирги кунда китоб нашр этишининг қўйинлагани, одамларине китоб ўқимай қўйгани, яъни маърифатсизлик алломатни ҳам ёткичи ҳодиса, дегизис келади. Аммо шундай бўхронлӣ замонда ҳам китоб нашр этишининг турили ўйларини излаётган маъри-

## «ШУМЛИК»НИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ

**И**нсон хотириасида накильни шуда, шуда ҳаётини ўзишадек гўзлар, ҳозибали, марокли бўлади, одам умрида кечган ҳар турли воеқа, ҳодиса ва ённомаларни эслаганда ёки ўқиғадан ўтмиш кунвларни бўшдан кайта кечираётгандек гаройиб хис-туйуларга тўлади. Лекин инсон хотириасида ҳар кайна ҳўли воеқа-ҳодисалар сакланса-да, уларни эслаганда завъ-шавъ олса-да, бу ёзаликларни оқ-козогза ифодали тушниш мушкуллар.

Одатда ёзувчининг бехи солиб ош дамлаши, шогидрга «коронги тушмасидан сенга ўзим бехи узбি берман». деб жон кўйдиришдаги ҳазиз-хузулларни жуда ёхимди. Шу аснода дарахт тепасидаги сархил мевааларни терби олинни учун шогиди ҳазиз тарзида дейди:

— «Устоз! Анона тено шоҳдаги бехини қаранг! Нак Носир Фозиловнинг калласига ўхшайди! Нарон қаёда эди?

— Сен тополмайсан. ўзим опекалман! — Сайд Ахмад ака шахдам кадам босиб нари кетди.

Шоҳга тармими янга уч-тўртта бехи узган эдим, ёнбош томондан ўстозимнинг овози келди.

— Жа-кйналиб кетдинг-а, болам...

Мундай карасам, Сайд Ахмад ака кетган кетканнан арани кўйтлаб турбиди.

— Ушга! — деди арранинг бир дастасини менга узатиб. — Бир томондан сен торт, бир томондан мен тортай... Сенам кутуласан, менам кутиламан, бехиям кутулади!

Фалати бу холат бир зум ўйлатиб кўяди-ю, устозини бу беѓубор хазиз мутобийнисадан бенхитнёр давоминиғ калби турди. Гоҳ этикади, гоҳ кулади, гоҳ ўйга толади, эзгу хисларга берилади. Ўтқир Ҳошимовни «Шумлик» китобидаги ихчам хикоя-хангомларни мутола қынгандан бенхитнёр одамнинг калби турди.

Гоҳ этикади, гоҳ кулади, гоҳ ўйга толади, эзгу хисларга берилади. Ўтқир Ҳошимовни «Шумлик» китобидаги ихчам хикоя-хангомларни мутола қынгандан бенхитнёр одамнинг калби турди.

Китобдаги «Беморпіёз», «Энг катта режа», «Йўли топнади», «Дехконча ас-квия», «Янги келмас!», «Янги лавозим», «Пулум бўлса — бўймасим!», «Тархин ўрганиш», «Гуруч» операцияси», «Юкумли касал», «Анж жавоб», «Тўёна» операцияси» хаби ҳикояларда ҳам устоз Сайд Ахмаднинг кўпдан-кўп инсонин хислатлари ёркян ифодаландигани, ўзувини ҳаёт тарзида сенади.

Халқимиз кулақ-аскини, ҳазиз-мутобийни, сўзда ҳозиржавоблини, мухаббатда назоатни ва зарофати бўлишини севишини. Ўтқир Ҳошимов чукур хис этиб, ёзаликларнада нозик юл- услублар кўллайди. «Битта кулидиринг» сарлавалларни ҳаёт тарзида ажойиб-гаройиб воеқалар, уларнинг ўзига хос дунёка-рашлари, иктидори, нозиги табитлари билан танишмаси, шинги билан изох-ишорада фазилат-хислатларини кўзларни. Атоқи олим Озод Шарофутдиновнинг зуқко, оғир-вазим, донолиги, Умарон Норматовнинг юмшок-нозик табити, Амир Абдулла Орипов, Эркин Вохидов, Шукур Холмизрада, Носир Фозилов, Улмас Умаровбек, Учкун Назаров, Хабиб Сайдулло, Йўлдош Сулаймон, Незмат Аминов, Эркин Абзомов, Низом Комилов, Абдулло Ахмад, Абдулла Орипов, Эркин Вохидов, Умари Норматов, Сабутой Долимов, Умарали Норматов, Бегали Кошимов, Абдулафур Расулов, Баходир Гуломов, Раҳматулла Иногов, Нуриддин Бобохўзявларини сенади.

Ёзувчи эсталик-хотириаларни ҳикоя килар экан, бэъзи муаллифлар сингарни «Ўзин кўрсантиш учун» эмас, — воеқа-ҳодисаларни ўз берганидек аннин, савит, ёкимли, ёхимли килади.

Воқеаларда ёзувчи, шонир, олим, ўқитувчи, раҳбар, дехон, шоффер, мишиб, оддий ишчи-хизматчи, корову, муршаб, оддий ўзчи-хизматчи, тарбиякор, ўзига хос фетъ-атвори, одоб-табиати ва ишчи киғаси билан кўрнайди.

Ёзувчи эсталик-хотириаларни ҳикоя килар экан, бэъзи муаллифлар сингарни «Ўзин кўрсантиш учун» эмас, — воеқа-ҳодисаларни ўз берганидек аннин, савит, ёкимли, ёхимли килади. Воқеаларда ёзувчи, шонир, олим, ўқитувчи, раҳбар, дехон, шоффер, мишиб, оддий ишчи-хизматчи, тарбиякор, ўзига хос фетъ-атвори, одоб-табиати ва ишчи киғаси билан кўрнайди.

Ёзувчи эсталик-хотириаларни ҳикоя килар экан, бэъзи муаллифлар сингарни «Ўзин кўрсантиш учун» эмас, — воеқа-ҳодисаларни ўз берганидек аннин, савит, ёкимли, ёхимли килади.

Шарларни ўшитган «бояги одам каловланин ўрнидан турди», деб ҳикоя давом этади:

— Иби! — деди эшик томон юриб. — Ўнда бўлса, бу дафъа кулидираси.

Даврадагилар ках-ках уриб кулидираси.



# САҲРОГА ХУРУЖ БЎЛМАСИН

БУГУНГИ кунда қуий Амударё чўллари, Коракалпок саҳроси дейилгандага Орол денгизи хавзасининг куриб бориши туфайли йил, ой эмас, балки қун сайн яланчоначниб, ўзининг наботот ва ҳайвонот оламидан жудо бўлиб бораётир. Мазкур саҳро эса ҳазилакам майдондан иборат эмас. Факат Устюрт паст текислигидан 7 миллион, шимолий-ғарбий Кизилкумдан Зярим миллион гектари, гектар-гектар бўз ерлар... Бу ерда ёввойи наботот оламига мансуб 870 турдан ортиқ ўсимликлар ўсади. Бу ўсимликлар мустақил Ўзбекистонимиз худудининг катта қисмини эгаллаб турган Коракалпогистон республикаси табиатини асрарда мухим аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда яйдоқ саҳронинг, кумли чўлларнинг маданий ерларга хуружини тўхтатиш бора-сида маълум ишлар килинди. Ўн минглаб гектар чўлга саксовул ва ҳар турли буталар уруғи сепилди. Баъзи чўл зонасига яқин колхоз-совхозларда эса жийдазорлар ташкил этилган. Шундай килиб, саҳронинг сугориб экиладиган майдонларда шамол эрозиясининг олди олинди.

Ўзбекистоннинг барча областла-рида бўлгани каби Коракалпо-гистон республикасидаги жуда кўплаб аҳоли яшаб турган жойлар табиий газ тармокларига уланган. Ўтра Осиё Маркази, Бухоро-Урал каби китъаларро табиий газ магистрал шахобчалари каторида Коракалпогистонликлар ҳам кечи-киб бўлса-да, «зангри олов» кулайликларидан баҳраманд бўлишди. Айниқса, Ўзбекистон республикаси Президенти Ислом Абдуганиевич Каримовнинг аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш тўғрисидаги кўрсатмалари асосида катта кўламдаги ишлар бажарилди. Аммо, ҳали ҳам Коракалпогистоннинг жанубида истикомат қилувчи меҳнаткашлар бу борада анча кийинчиликларни бошдан кечиришмокда. Чунки, Туркмани-тон республикаси худудидаги Сазакиндан келаётган газ қувурларининг куввати салкам 400 минг аҳоли истикомат қиладиган Тўрткўл, Беруний ва Элликкальъ районини табиий газ билан етарли даражада таъминлашга ожизлик қиласди. Мазкур қувурнинг иккичи навбати курилиши эса ҳалигача тўла тугалланганни йўқ. Натижада ўтган йилнинг кузидан бошлаб ҳар уччала район аҳолисини хонадонларига келадиган табиий газ ми-

дори кескин камайиб кетди. Баъзан йирик фишт заводларини, иссиқхоналарни ҳам вактинча тўхтатиб қўйишга мажбур бўлинди. Ваҳоланки, бу районлардаги аҳолининг 80 фоизи уйларини табиий газ билан иситишига мослаштирилган. Минг-минг хонадонлар кишифасли учун аввалги йиллардагидек кўмир ҳозирлаб қўймаганлар. Суюқ ёнилгининг нархи эса осмону фалакда.

Хуллас, ўтган кишида қаҳратон соvuк заптига олган маҳаллар кишилар болта-ю тешаларини кўтариб, машина, трактор ёки оддий үзовларда атрофдаги саҳроларга отланиши. Илгари Тўрткўл, Беруний, Бўстон бозорларида факат гўзапоя сотиларди. Чунки, бу район хонадонларининг 99 фоизи нонни шахси тандирларида ёпишади. Эндиликда мазкур бозорларга юлгун, чиғиртол, кандим, куёнсуяк, терескен, ёввойи жийда ўтиллари туша бошлади. Бир беғ юлгун баҳоси 20 сўмга чиқди. Бозорда юлгуннинг Коракалпогистонда ўсадиган 10 туридаги барчаси бор. Турон, эрон, эрмани, юлғун, ҳатто кимматбахо қизилюлғун ҳам тоннага сотила бошланди. Натижада фитомелиорацияга пуртур етказилди. Ризк-рўзимиз манбаи — она табиат инъоми — унумдор ерларга таҳдид солиб турган кум кўчкиликларидан ишончли ҳимоя бўлган саҳро дараҳтлари, буталар, ярим буталар аёвсиз кирилаётир. Ўтнин бозоридаги аҳвол масаланинг бир жиҳати, холос. Айrim уддабурион машина ҳайдовчилар саҳрода нобуд килиниши катый таъкиланган кирсановул, қорасаксовул, форс саксовули каби ихота дараҳтларини ҳам саржин-саржин ҳолида келтириб сотмоқдаларки, бу асло кечирилмас ҳолдир. Бир машина саксовулнинг нархи ўртacha б минг сўм атрофида баҳоланмокда. Ҳолбуки, бу дараҳтлар чўлнинг бугунги киёфасини йиллар оша асрар қолишига яради.

Ўтган йили Берунийдан Бўстон шаҳрига олиб борувчи 18 километрлик асфальт йўлнинг иккичи кирғоғи саҳро буталарига тўла эди. Бугун эса кум тепалари туйнинг яғир елкаси каби очилиб ётиби. Ҳар кадамда трактор, машина излари саҳро юзини «моматалоқ» килиб юборганини кўрасиз. Юрагингиз ачишиди. Аҳвол шу зайлда кетаверса, Беруний ва Элликкальъ районлароро ўрмон хўжалиги (директори Одамбий Мўминов) ўз ва-зифаларига совуққонлик билан ён-

дашсалар бу ерларда янтоқ сигир-кўйрук, читир, мингбоши, окбошиби үт-ўланларнинг уруғи қирилиб кетади.

Ўтнин бозорларида туронғил, ёввойи жийдалар ҳам сотилиши кузатилмоқда. Бу ҳол Амударё ёқасидаги Шоббоз, Таллик тўқайларига ҳам хурж бошлаганидан далолатdir. Ҳатто давлат кўриқхонаси Бодайтўқай ҳам бу хуруждан четда колмаслиги мумкин. Тўқайлар де-гандан наинки наботот олами, балки кушлар дунёсини ҳам тушунмок керак. Коракалпогистон республикасида учрайдиган 282 тур кушларнинг аксарияти шу тўқайларда яшайди.

Маълумки, мустакиллигимиз негизида, иктиносий ислоҳотларимиз замирида инсон манфаатлари ётади. Шу туфайли ҳам эҳтиёж боис табиатга зиён-заҳмат ётказилаётган экан, биз ўша дараҳтлар, буталар, кушлар-у ўт-ўланлар инсондан азизроқ демокчи эмасмиз. Вазифа шундан иборатки, аҳолини табиий газ, бошка турдаги ёнилги билан таъминлашда юртбоши миз Ислом Абдуганиевич Каримовнинг кўрсатмаларини оғишмай бажариб, кескин бурилишлар ясашга эришмоғимиз керак. Акс ҳолда одамларнинг саҳро хуружи ўта яширин равишда бўлса ҳам давом этаверади. Коракалпогистон республикаси табиатни муҳофаза килиш кўмитаси (раиси К. Маткаримов), Коракалпогистон ўрмон хўжалиги кўмитаси (раиси Ортиқий Каплов), жойлардаги касаба ўюшмалари кўмиталари, бутун жамоатчилик келгуси наслларимизга гиёҳсиз саҳролар, куш, жониворлариз тўқайлар мерос бўлиб колмаслиги учун бутун чора-тадбирларни амалга ошириш давримизнинг мухим талабидир!

Янгибай Қўчкоров,  
Бўстон шаҳри.  
Абдураҳмон ИСҚАНДАРОВ,  
«Ишонч» мухбари.

**ТАҲРИРИЯТДАН:** Ушбу мақола ўтган йил қиши фасли сабоқларидан келиб чиқиб ёзилган. Ҳадемай ёз ўтиб, киличини қайраб қиши келади. Шунга олдиндан ҳозирлик кўриб кўйилса, аҳолини табиий газ билан таъминлаш талаб дараҷасига кўтарила, энг мухими «Сазакино — Тўрткўл» газ қуврини тўла қувват билан ишлатишга эришилса, мақсадга мувоғик бўлар эди.

## КАТРАЛАР

### НАЪМАТАК

Қизил атиргуллар кечка қечкурун тугунчалари га кулгуларини яшиrolмай майин табассум билан туришганди, кирмиз лабларини пирпиратиб, шўх қизлардек чак-чақлаб қўёшдан эрта уйонишибиди.

Шаҳарлик меҳмонлар гулларнинг бандидан ушлаб, узинча кўзлари қиймай димоғларига тутишади. Гуллар меҳмонларнинг қўл, ёнларига тегиб тебранд, уффорлари кенг ҳовлини тутиб кетади.

— Ичига атир қўшиб экканмисиз? — ҳазиллашади биринчи меҳмон менга.

— Менинг ҳам гулим очилишига очилган-у бужмайброк, — дейди иккичи меҳмон.

— Аввал наъматакни мактанглар, — кейин... — дедим мен ҳаёл оғушида.

— Қани, кўринмайди-ку, — аланглашади меҳмонлар.

— Сиз ёқтирган гулларни наъматакка пайванд килувдим, — уланган жойини кўрсатдим уларга, — Ҳа, аввал шуни мактанглар. Негаки, у ўзидан кечи, дўстларим гўзалликда айнимасин, одамлар хизматида толмасин, яхисини ошириб яшай, деб меҳнат киляптида.

### ОҚ ЎРИК

Анор опа ҳовли саҳнидаги оқ ўрикнинг ҳосилидан мамнун. Дона-дона новвотранг ўриклар қуёш нурида товланиб, барглар орасидан кулиб боқади. Она бир ўёли билан ҷодир тутиб, иккичи ўлига буюради:

— Ўрикнинг устига чиқа қол. Эҳтиёт бўл. Силкитсанг пишгани ҷодирга тушади. Мазза қилиб еймиз.

Ўриклар дувиллаб ҷодирга тўкилади. Ҳаммаёк кут-барақа. Танларга дармон, беминнат шифо. Тановулдан ортганини иккига ажратиб офтобга ёйишади. Барглар ва мағизлар қиши дастурхонини безайди. Умрга-умр қўшади.

— Яхшиям даданг экан, роҳатини кўряпмиз, — дейди она болаларига.

Йиллар ўтади. Баҳор. Қариган оқ ўрикнинг муртиған шохлари сийрак довуччаси билан шамолдан ҳовлига учиб тушади. Анор ҳола икки-уч кунда ҳовлини шох-шаббадан тозаларкан, хунони ошади:

— Ух-х-х қачонгача шох, чўп тозалайман. Кесиб кутиламан шекили.

Ўрик «оқибат шу бўлдими», дегандек «оҳ-оҳ» лаб шамолда қарсиллайди.

### ШОХ ВА АЙРИ

Шафтоли дараҳтининг бир шохи ёнига қараб ўса бошлади.

— Шу аҳволда ўсаберсанг, вақти келиб, ҳосилинг у ёқда турсин, гавдангни ҳам кўтаролмай қийналасан, — дей айри оёгини ерга тираб, бошини унга тутди. Шохни аста тўғрилаб юкорига кўтарди.

— Мени ўйлаганинг — кўпни ўйлаганинг. Бошинг оғримасин, — кувониб яйрайди шох. Вақт ўтиб шох айрига разм солса унинг устивори хунук: Ёмғир, қорлардан ивиб қорайган чиркин пўстлоги иссиқдан қовжираб, танасидан тарс-тарс ажраган. Кўз — бутоғи ундан кўп. Кимнинг кўйлаги илинса бас, йиртишга қодир. Кўрганилар шохга, хўп қойил суничиққа ёлчибсан демайдими, кесатиб. Шох буни айрига очиқ айтишга юзи чидамайди.

— Айрижон, раҳмат. Сенга суняниб, тўғри ўса бошладим. Бундан буёғига ўзимни эплаб ўсарман.

— Келажагингни ўйлаб ачинувдим-да.

— Раҳмат, раҳмат...

Шафтоли ҳосили кун сайин шираға тўлиб, шохни эгбиг борарди. Шох бетинч, кўркувда. Сал эсган шамолга ҳам тебранади, тани зирқирайди. Шамол зўрайса-чи, бутогидан ажраши аниқ. Кўзига жони ва сунянидан бошқа ҳеч нарса кўринмасди.

— Келакол, азизим. Сенсиз ҳолимга вой.

Айри ачиниб яна ёрдамга келди.

Айрига бемалол суняниг залворли шохнинг жони энди оромда.

Нажоткорининг меҳрибонлиги, қалби гўзаллигидан унинг усти ҳам чиройли кўриниб кетди.

— Пишиқман. Инларим ишакдан. От юз чиранинг тортса ҳам мени узолмайди. Сени сугуриб кетмас бас, — деди арқон қозикка.

— Мендан хавотир қилма. Ерга маҳкам қоқилганман, — ҳуёшёр тортиб дейди темир қозик.


От ўз одатини кўмсағ арқонни чайнай бошлайди. Чайнаган жойи узилмаса ҳам ишлари бирбиридан ажраб тўзиди. От денсиинг тортгач, тўзиган жойидан чирт-чирт узилади.

— Пишиқман, деб ўзингга ишонувдинг, узилиб ётишингни кара.

— Ишларим бир-бири билан қовушолмай колди-да, — дейди қозикда қолган арқон бўлаги.

Бирлашмаган тўзар, деб шуни айтадилар-да.

Гани АБДУЛЛАЕВ,  
богбон.



Жўра БОБОРАҲМАТ сурат лавҳаси.

# ҲАКИМ ВА АДИБ

МУМТОЗ адабиёт тарихидан маълумки, машхур табибу ҳакимлар тиббётга оид асарларини шеърий усулда ёзганлар. Бу билан адабиётнинг тараккисига озми-кўпми хисса кўшибгина колмай, ўзларига хос бадий полотнолар яратиш иктидорлари туфайли адаб деб ҳам санаалганлар. Ҳозир ҳам ҳакимлик, ҳам адаблик фаолияти билан ҳатто мусикада ва бошқа санъатлари билан лол колдирб келаётган тиббиёт ходимларини борки, ҳалкимизнинг ардокли сиймалари хисобланадилар.

Таникли стоматолог олим, бир қатор тиббий асарлар муаллифи, профессор Миржамол Мирёкубовни шундайлар сираасига киритиш мумкин. У киши 36 йил мукаддама Москва стоматология олий билимгохини туғаллаган. Стоматолог, муаллим, аспирант, ассистент, доцентлик пиллапояларидан кўтарилиб, тиши соҳаси бўйича етук мутахассис олим бўлиб етишиди. Ҳозиргача 80 дан ортик илмий рисола ёзди. Собиқ Иттифоқ стоматолог олимлари билан ҳамкорликда ўкув қўлланмалари яратди. Киевлик профессор В. П. Панчоха билаи яратган «Алтаси» ҳозирда бутун МДХ мамлакатлари стоматологлари учун қўлланмадир. Олимниң талабалар фанни яхши ўзлаштиришлари учун таклиф этган янги усулда машрутлар ўтказиш бўйича таклифи стоматологларнинг катта йигинида маъқулланиб, ҳозирда бу қатор мамлакатлар олий ўкув юргалирида қўлланмокда.


М. Мирёкубовнинг бундан 30 йил олдин ёзган «Ортопедик стоматология» номли китоби қайта ишланиб, тўлдирилиб 1991 йили нашр этилди. Бу асар тиббиёт олий билимгохи

талабалари учун муҳим ўкув қўлланмаси бўлибгина қолмай, ортопедик стоматология соҳасида амалий иш олиб бораётган мутахассислар, тиши доктор ва техниклари учун ҳам фойдали дастур бўлиб хизмат килади.

М. Мирёкубов Тошкент Давлат 1-тиббиёт Олий билимгохининг Ортопедик стоматология кафедрасига 15 йил мудирилик килди. У шу кафедранинг профессори. Тиббиёт фанинг тараккисига муносаби хисса кўшиш билан бирга минг-минглаб шогирдлар етишириб чиқарди. Олимниң «Ортопедик стоматология» китобининг иккичи нашрия шогирдларидан тиббиёт фанлари доктори, профессор М. К. Бекметов, тиббиёт фанлари номзоди Ф. Ш. Файзулаевлар мұхаррирлик килдилар.

Миржамол Мирёкубов нафакат тиббиётда, балки адабиёт ва санъат оламида ҳам танилгандир. Унинг 15 дан ортик шеърига кўй басталанган. «Тўймасман», «Томоша қилинг», «Бўлмаса», «Кетдинг», «Этиб қўйдинг», «Қайдадир», «Кўзингдан», «Навосимисан» сарлавҳали ўнлаб шеърлари кўшикка айланиб, радио қўшик жамғармасининг мулки бўлиб қолган. Миржамол ака ҳозирда бир қатор бастакорлар билан ҳамкорликда янги қўшиклар яратиш устида тинмай изланади. Миржамол ака дуторни шундай маҳорат билан чаладики, эшитган ҳузур килади. Машхур дуторчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Махмуд Юнусов унинг дутор чertiшига тан беради.

М. Мирёкубов ҳажвиёт соҳасида ҳам қалам тेbrатаяти. Болалар ва ўсмирларнинг соғлом камол топиши ҳакида кайгуради. Тана аъзоларни ёшлидан саклашни бадий усулда



ифода этади. Унинг бир қатор ҳажвий тилларида алоҳида босилиши арафасида турибди.

Тожибой АЛИМОВ.

Суратда: Профессор М. Мирёкубов шогирдлари Ф. Файзулаев, Ү. Бабановлар билан беморни муолажа қилмоқда.

ҲАҚИҚИЙ шифокорни кўпинча қишилар қалб торини черта билишга қодир, дилбар қўйлар ижодкори — бастакорга, гўзаллик яратувчи санъаткорга, нав-ниҳол экиб, парваришиб, боғлар бунёд этувчи соҳибкорларга ўхшатидилар. Дарҳақиқат, кунларнинг бирда оптоқ соколи кўксига тушган бехол, бедармон рус руҳонийси Тошкент давлат тиббиёт олий билимгохига келиб, «мен якингача ҷалса жаранглаб турган дутор эдим, торим бўшашиб, садоим чиқмай қолди. Уни қайта таранг тортуб беришга қодир чинакам истеъдод эгаси — Қосимов керак. Атайн уни излаб Москвадай шаҳри азимдан келганин», дейди. Унинг ҳикоя килишича билимгохининг ички касалликларни аниқлаш кафедраси мудири, умумий даволаш ва гепаталогия шифохонасининг директори, профессор Эркин Йўлдошевич Қосимов дарагини «Правда» газетасида чоп этилган макола орқали билган экан. Газетада муҳтарам шифокорнинг муолажа усуллари батафсил таърифланган эди. Шу макола уни Тошкентга етаклади.

Эркин Йўлдошевич беморни каршилаб чиқиб, мулойим табассум билан кутиб олади-да ўтириб, узок сухбат куради. Руҳонийининг кандай китоблар мутолаа қиши, вайзлари, уларнинг мазмуни, тарьифини суриштириб, тиббиёт-

га ҳеч алоқаси йўқ гаплар билан юрагига қалит қидиради. Бемор аввалига бу усулни лоқайдлик билан қабул килиб, саволларга истар-истамас жавоб беради. Айни пайтда тотли сухбат туфайли юрагига илик нимадир қуйила бошлаганини сезади. Кейин очи-либ, сўзлади. Натижада беморлигини ҳам унута бошлайди, ҳатто. Эркин Йўлдошевич эса ўзига нисбатан беморда қатъий ишонч уйғонганини сезгандан сўнггина муолажага кири-

ни дунёга машхур спорт усталири, Пеле сингари оламга донг таратган футболчиларнинг ўйинлари, ўзаро олишувларидан бошлашга тўғри келади. Бу жонли ва қизикали сухбат мобайнида бемор ҳеч нарсан ѹашмай ўз касали тарихини тортинимай, рўй-рост айтиб беради. Муродига етган Эркин Йўлдошевич эса ўзига нисбатан беморда қатъий ишонч уйғонганини сезгандан сўнггина муолажага кири-

деонтология, соғлиқни асраш соҳаларига бағищланган уч юздан зиёд илмий, оммабоп асарлари, маколалари, дастурлари бор. Шерозий ўз вактида:

«Бир ғарид кўнглини кила олсанг шод, Зиёддир ер юзини қилгандан обод» деганда худди шундай жонкуяр иштевод эгаси бўлиши керак. Эркин Йўлдошевич Қосимов худди ана шу фазилатларни ўзида мужассамлаштирган ҳақиқий инсондир. Унинг ташҳис кўйиш услубининг хилма-хиллиги, кўплар билмаган янгиликларни амалга ошириш бўйича тиббиёт фанини бойитишга кўшган хиссаси жиҳатдан, айникса, ёшларга ўрнак, меҳрибон устоздир. Улуг мутафаккир Аҳмад Маҳдуми Дониш айттанидай: «Бирор дунёга ибодат учун келади, бирор иморат учун».

Эркин Йўлдошевич Қосимов элга танилган олим, ички касалликлар ташҳиси ва даволаш йўларини пухта билган, тиббиёт соҳасидаги ҳақиқий санъаткорdir. Унинг юксак маколалари чин қалбдан уни муборакбод қиладилар, сиҳат-саломатлик, бундан ҳам файз-фазилатли умрбокийлик тилайдилар.

Ички касалликларга тўғри ташҳис кўя билиш, касалликнинг олдини олиш, тўғри даво-

## ШОГИРДЛАР ҚУТЛОВИ

— Бўлди, мен энди тузалишимга астойдил ишондим,— деди ҳаяжонга тўлиб,— мени сиз даволайсиз, шунча йўл босиб келганим зое кетмабди.

Орадан йигирма кун ўтарётмас, у ҳеч нарса кўрмагандай оёққа туради. Оғир хасталикдан эса асар ҳам қолмайди.

Бошқа яна бир бемор — спорт муҳлиси келиб, оғир дардга чалиниб колганидан нолийди. Эркин Йўлдошевич учун дардининг бошланиши, унинг илдизини топиб олиш мумхим эди. Шунинг учун гап-

шади. Ана шундай муносабат, ўттиз беш йиллик фаолият, ана шундай амалий тажриба ҳеч качон алдамаган уни. Конконига сингиб кетган одамийлик фазилатлари, ширинсу-ханлик, инсон қалбини ром эта олиш қобилиятлари ҳакида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Унинг ана шундай олийжаноб хислатларидан ибрат олаётган шогирдлари ҳам оз эмас. Эркин Йўлдошевичнинг беморларни даволашда ниҳоятда ас котадиган ички хасталикларга шифо тошиш услублари, тиббиёт ахлок-

Шогирдлари номидан Гулираъно МАҲМУДОВА.



Билган билади...

Одам боласи ҳар куни бир ўлиб, бир туғилади. Ўйку — ўлим, уйғонмоқ — туғилмоқдир. Буни тупрок бўйини, она алласини унутмаганларгина англайди, хис қиласидар. Илло бу башорат эмас, аксинча айнан шу башариятнинг борликка мансублигидан, унга зарра, бокиманда эканлигидан, омонат-ганиматлигидан далолат, холос. Кибру ҳаво, атроф-мухитга бефарқлик кишини маънавий ўлдиради. Куни тирик ўликларга колган юртнинг, ўлкаларнинг шўри курсин.

«Заминим, Она-Юртим,  
Сен менинг борлигим, саодатимсан!  
Тириклигим, тириклика хешу  
эшлигим —  
Намозгоҳим, саждаҳоҳимсан!..»

Оқшом чўқаётир. У тобора синикиб, мавжудот юзига қора парда тортиб, синикитириб бораётир. Кўнгил... кўнгил увишибигина қолаётир. Янги, истиклолдан истиқбол топган маҳалла. Номи ҳам «Истиқлол». Бир кўрғонда яшаб, бир-бирларини билмайдиганлар, танимайдиганлар ковушганимиз — ватанда ватан курганмиз. Биноларимиз ҳам одатдагидай шаҳармонанд, кўп қаватлик. Яъни, уйларимиз — ўлан тӯшагимиз осмон ўпар. Елкаларимиз ер исказмайди. Нак кўклаб кетганимиз... Ҳаволаб кетганимиз...

Ва, лекин... Ургу, умидлар тупроқда кўкаради. Яхшилилар ҳам ургу, ёмонлик ҳам ургу. Ўз юртида эланиб, элагидан айрилган эл учун истиқлол шарофатлари ҳам ургу! «Истиқлол топдинг, элим! Дил топдинг, забон топдинг, элим! Тарихинг-мағизинг тўқ, авлодмерос поклик, шафоат ҳамроҳинг бўлсин. Қувончларинг, орзулатарнинг иймон-ла ўйғрилсин. Бағринг қувраб, унмайин ётгандинг, гуркираб-гуркираб унгин! Сенинг унганинг — юртнингни унгани, элим!..»

Эшик қўнгироги ҷалинди. Хаёлга толиб, еттинчи қават пешайвони деразисдан дардкаш кечага, уйку элита бошлаган борликка термулиб қолгандим, бир эланиб тушдим. Куни кечада Сайдғани Фахрутдинов деган тўқсон уч ёшлик касалманд чол яшайдиган 32-кўрғон, 47-хонадондан аёл ўқлаб келиби. Чамаси, ўзини Осия Искандароваман, деб таништириди... Ажаб, чиндан ҳам бу рўйи заминда бир-бирлари или танишганлар, топишганлар бормикин?

Феълимиз тор, торайиб кетган. Қадамда қадрсизлик: эчкига жон қайгу-юқассобга ё... Яралгандай омонатмиз, омонат дунёдан дунё тиланамиз.

Эсимда, ўшанда Осия хола қариянинг аҳволи оғирлигини айтган, гапининг даромади — қандай қилиб унинг уйини жияни Фалия Сулаймонова номига ўтказиш мумкинлиги ҳақида маслаҳат сўраганди. Ҳозир эса, назаримда хола нимадандир қайгули, нимадандир мамнун. Таажжубланарли ҳол. Сўрадим:

— Тинчликми?

— Обий қайтиш қилди...

Ҳа, келмоқнинг кетмоги бор. Дунё — бекат, бандаси — ўйловчи. Ғақат, ким кандай келиб, қандай кетади — гап ана

— Фарзандлари, яқинларини чақириш керак.

— Ҳеч кими ўйк... Мен, қайнингилисман...

Кўноғидан, турнгидан кечган күш сайрашдан қолади. Сайраса ҳам ўзга боғ, ўзга бўстонларга жон, жаранг беролмайди. Инсон-чи? У она ҳидини тўйган хонадонни, ота-боболари ҳоки тўкилган маконни ташлаб кетиши мумкинми? Ватанин ташлаб, ватан топиши мумкинми? Қайдам... Қайдам-ов... Маълум бўлишича, Сайдғани ота Ўзбекистонга эллигичи йилларда келган. Каердан келган? Нима учун келган? Ким билсин...

— Олти-етти метр уринган бўз, иккита кўрпағилоп бор экан. Кафанилик-

юрганларга раҳмим келиб кетди. Холага юзландим:

— Хотиржам бўлинг, бизнинг Юртда ўлиқ кўчада қолмаган...

Ногоҳ руҳимда — хаёлимда аждодлар руҳининг шодуманлигини сездим. Истибодд ийларида қувилган, банди этилган руҳларни эрк, истиқлол озод қилган, уйғотганди. Энтиқиб-энтиқиб нафас олардим. Кўз ўнгимда Тўмарис момом намоён эди. Ҳа, мен ёруғ дунёда өртада қашф этган Исмоил Бухорий, Амир Темур наслиданман! Бобом Мирзо Улуғбек билан она заминга таяниб, юлдузларга юз тутганди. Вужудимни шараф туйгулари тутганди. Ҳаяжонланардим. Қонимда қайта түфлган, бир вақтлар гадой нима эканлигини билмаган, дарвозалари қулф кўрмаган элимнинг меҳр-оқибати, мурувати оқарди.

Юрагим —

Садоқатим, ёрқин машъали,

Ватан деб ён!

Миллат деб ён!

Агар сен ёнмасанг,

Тош юракларни ёндиримасанг,

Билгинки, менинг ўлганим!..

Сайдғани ота сўнгги дамда тириклигида кўрмаган рўшноликни кўрди. Жанозага етти маҳалла йиғилган. Жўра бобо Сойибназаров, Турғунбой ака Отакулов, Олимжон Тўйчиев, Жўрабой Тўлагановлар унга ота, фарзанд мақомида. «Иккинчи Яланғоч» қабристонига оқ юваб, оқ тараған, маҳалла, эл-юрт елқасида келди. Домла билан, одатдагидай жаноза олдидан, шундай гап-сўз қочди:

— Майитнинг эгаси ким?

— Эл... Биз-ҳаммамиз!

— Аникроқ айтсангиз?

— Маҳалла, юрт кўмайтиби.

— Ҳим... Мабодо, марҳумнинг бирордан олари, берари бўлса, хат-гувоҳ билан келса...

— Биз кафил!

— Балли... Ташаккур!..

Фотиха ўқилди. Уни ер бағрига олди. Оғринмади. Тўйда элнинг кут-баракаси, маъракада унинг маънавияти юз кўрсатди. Бағри кенг тупроққа, ўзлигини ўйқотмаган она ҳалққа таъзим. Таъзим...

Турсун ИБРОҲИМ,  
Тошкент шаҳар, Мирзо-Улуғбек  
тумани, «Истиқлол» маҳалласи.

## АҲИЛЛИК – ЯҲШИЛИККА ОЛИБ ҚЕЛАДИ

